



ШХТНИНГ ОСТОНА САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида иштирок этди.

Саммит 9 июнь кунин Остона шаҳрининг Мустақиллик саройида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида ШХТ ва унинг тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг сўнгги саммитида келишилган масалалар — Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг қўламли масалаларни кўриб чиқдилар.

ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар ижросига эътибор қаратилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақоми берилган эди.

Давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегация-

лари раҳбарлари — Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Эрон Ислам Республикаси ташки ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф иштирок этди. Мажлисида ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби ўринбосари Аманжол Жанқулиев, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Мин иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазирани тезроқ барқарорлаштириш бутун минтақамизда

тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистон Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш бўйича афғон халқи ва халқаро ҳамжамият сазой-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатларaro ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Самарқанд шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатларaro, маданиятларaro муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Хитойнинг "Бир мақсад, бир йўл" ташаббуси доирасида кенг қўламли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга биз алоҳида аҳамият қаратамиз.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига қисқа йўллар орқали чиқиш

имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

ШХТ марказлари — халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритувчи институтларини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни тақдир қилди.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақоми олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди.

Остона саммитида Ҳиндистон ва Покистон ташкилот аъзолигига қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзоси мақомига эга бўлиши Ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва дунёда хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашда кўп томонлама механизм сифатида Ташкилот ролин янада оширишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

ОТМларга қабул:

Бу йил қандай янгиликлар бор?

Шу кунларда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш иштиёқидаги йигит-қизларни бу йилда қабулдаги асосий янгиликлар қизиқтирмақда. Абитуриентларда "Энди 68 дан юқори балл тўплаб, тўлов-контракт пулининг оширилган суммасини тўласам, талаба бўлишим аниқми?", "Тўлов-контракт пулининг оширилган суммаси миқдори қанча?", "Мақсадли қабул нима дегани?", "Яна янги сиртқи бўлимлар очилади-ми?" каби саволлар пайдо бўлмоқда. Мазкур саволларга аниқлик киритиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимларига мурожаат этдик.

— Президентимизнинг шу йил 5 майда қабул қилинган "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини инобатга олиш, олий таълим муассасалари битирувчилари салоҳиятидан самарали фойдаланишга хиз-

мат қилади, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Барно Ражабов. — 2017-2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул квоталари янги қурилаган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, корхона ва ташкилотларнинг истиқболга мўлжалланган ташлаб ва эҳтиёжи, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги маълумотлари асосида шакллантирилган. Янги ўқув йилида-

ги қабул квоталари ўтган ўқув йилига нисбатан 10659 ўринга, яъни 17,5 фоизга ошган. Квота бакалаврлар учун 66316 ўрин, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 18194 та ва тўлов-контракт асосида 48122 та этиб белгиланди. Ўтган йилги кўрсаткичларга солиштирилганда, бу йил тўлов-контракт асосида қабул қилиниши режалаштирилган талабалар сони 9710 нафарга кўп. Магистратура учун 5000 та ўрин ажратилган бўлиб, бу — илмий салоҳиятли, тор йўналишларга ихтисослашган мутахассислар сони ошадиган, деганидир.

(Давоми 3-бетда.)



Ёш иқтидорлар фестивали

Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабиди пойтахтимиздаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида I шахмат фестивали бўлиб ўтди.

(Давоми 16-бетда.)

ШХТНИНГ ОСТАНА САММИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ШХТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик ва психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол, изчил курашмоқда.

Саммит иштирокчилари ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банкарларо бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳолади. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий баркарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизация қилиш, сармоиявий лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни кенгайтириш орқали ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш тавсия этилди.

Саммит яқини бўйича Остона декларацияси қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Киргизистон Президенти Алмазбек

Атамбоев билан учрашувда бу галги мулоқот давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим босқич бўлиши, Самарқанддаги учрашувда эришилган келишувларни мазмунан бойитишни таъкидлади.

Алмазбек Атамбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий қардошлик муносабатлари, урф-одат ва анъаналари ўхшашлиги ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

Кейинги пайтларда икки давлат ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз жамоатчилиги вакилларининг Андижон ва Ўш шаҳарларига ўзаро ташрифи бўлиб ўтди.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада фаоллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модри билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Хиндистон Бош вазири Хиндистоннинг ШХТ аъзолигига қабул қилинган муносабати билан табрикланди.

Президентимиз мазкур учрашув Хиндистон Бош вазири Нарендра Модрининг 2016 йил мамлакатимизга амалга оширган ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболла-

рини белгилаб олиш учун яқин имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Модри Ўзбекистон Хиндистонни ШХТга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қатъий қўллаб-қувватлаб келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу тарихий воқеа ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида минтақавий муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боришига ишонч билдирди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилар экан, 2016 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 15 фоиз ўсиб, 366 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани таъкидланди. Бироқ бу кўрсаткич икки давлат салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон билан Хиндистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилиш учун улкан салоҳиятга эга.

"Навоий" эркин иқтисодий зонасида «Минда» компанияси билан автомобиллар бутловчи қисmlарини ишлаб чиқариш, «Новофарм» ва «Ультра Хелс Кеар» компаниялари билан Сурхондарё вилоятида дори-дармон ва Тошкент вилоятида инъекция препаратлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этилгани икки давлат ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликка ёрқин мисолдир.

Биргаликда дастурий маҳсулотлар яратиш ва телекоммуникация ускуналари, мева-сабзавот, пилла ва чармин чуқур қайта ишлаш, экспорт учун тайёр маҳсулотлар, ав-

томобиль эҳтиёт қисmlари, электротехника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Испания Қироли Филипп VI билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик муносабатлари узок ўтмишга бориб тақалишини таъкидлади.

Олти аср муқаддам Соҳибқирон Амир Темура ва Кастилия қироли Энрике III ташаббуси билан Самарқандда ва Кастилия пойтахти Севовияда элчихоналар очилган. Ўзаро ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ва Испания Қироли Хуан Карлос I ўртасида қарор топган яқин муносабатлар тўғрисида таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Филипп VI ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиб, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар давлатлараро алоқаларни кенгайтиришда олий даражадаги мулоқот муҳим ўрин тутганини таъкидладилар. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам масалаларни ривожлантириш нафақат долзарб минтақавий ва халқаро сиёсат масалалари бўйича фикр алмашиш, балки турли даражадаги келгуси учрашувлар жадалли ва кун тартибининг ишлаб чиқиш ҳамда келишиш имконини бермоқда.

Давлатлараро муносабатларнинг муҳим бугини бўлган савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт соҳалари-

да ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳам томонлар диққат марказида бўлди.

Савдо соҳасида ўзаро қўллаб қўлайликлар яратилиб, сезиларли даражада, яъни жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида тўрт баробар ўсишга эришилганига қарама-қарши, бу борадаги кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва таркибини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон билан Испания бунинг учун барча имконият ва салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон мамлакатимизда Испания бизнесининг, хусусан, нефть-газ, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, пардозлаш материаллари ва сопол маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида юқори технологияли корхоналар ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали кенгайтиришдан манфаатдор.

Испания туризм соҳасида улкан натижаларга эришган ва бу борада жаҳон миқёсида илгор тажрибага эга. Шу муносабат билан томонлар ушбу соҳада узок муддатли тизимли ҳамкорлик ўрнатилиши имкониятларини муҳокама қилдилар.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этиш ва унинг дастлабки мажлисини шу йил Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЭКСПО — 2017 халқаро иختисослаштирилган кўргазмининг расмий очилиш маросимига иштирок этди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бақир ҲОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Остона — Тошкент.

Ўзбекистон маҳсулотлари халқаро кўргазмада

Остона, 9 июнь. ЎЗА махсус мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ хабар қилади.

Дунёда шундай спорт мусобақалари, маданий кўрик-танловлар бор: футбол бўйича жаҳон чемпионати, олимпиада ўйинлари, Formula 1 мусобақаси, Евровидение кўшиқлар танлови... Булар маълум вақт давом этиб, ер юзига тинчлик уруғини сочди, жаҳон халқларини бирлаштирди, инсониятга ўзаро тажриба алмашиш учун кулай шароит яратди.

Саноатлаштириш рамзи, техник ва технология ютуқлар намойиши учун оқил платформа ҳисобланган бутунжаҳон кўргазмаси — ЭКСПО 93 кун давом этиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Халқаро кўргазмага бу йил Остона шаҳри мезбонлик қилмоқда. ЭКСПОнинг расмий очилиш маросими 2017 йил 9 июнь кuni ўтказилди.

Биринчи жаҳон кўргазмаси Буюк Британия шахзодаси Альберт ташаббуси билан "Hyde Park" да ўтказилган. Жозеф Пакстон томонидан ушбу богда темир ва шиша ёрдамида доира шаклида бунёд этилган "Биллур сарой" барчанинг диққатига сазовор

бўлган. 1928 йилда Халқаро кўргазма ўтказиш тўғрисидаги конвенция имзоланган. Халқаро кўргазмалар бюроси (ХКБ) бошқарув органи ҳисобланади. Уни ўтказиш тартибига кўра (универсал, халқаро, иختисослаштирилган) уч ойдан олти ойгача давом этади.

Ҳозирга қадар 35 маротаба ўтган кўргазмага Болгария, Испания, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хитой, Италия, Туркия сингари мамлакатлар мезбонлик қилган. Аънавий ўтказиб келинаётган ЭКСПОнинг нуфузи, мавқеи йилдан-йилга юксалиб, унда иштирок этишни истаган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ЭКСПО — 2017 кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Хиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркменистон, Руминия, Бразилия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этмоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот иштирок этмоқда.

ЭКСПО — 2017 халқаро иختисослаштирилган кўргазмининг асосий мавзуси "Келажақ энергияси" деб номланган бўлиб, сайёраимизга катта таъсир кўрсатаётган энергия истеъмоли му-

аммоси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётганини ўзида акс эттирди. Унинг моҳиятини "Углерод диоксида чиқаришни қисқартириш", "Энергия самарадор турмуш тарзи", "Энергия барча учун" сингари мавзуларда ўтказилган семинарлар очиб беради.

Қозғистон Республикаси кўргазмага пухта тайёргарлик кўрган. Илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда бунёд этилган мовий ранг сфера узокдан кўзга ташланади. "Остона ЭКСПО — 2017" кўргазма мажмуи ана шу сферанинг атрофига ҳамланган. Умумий майдон 174 гектар. Бу ерда жами 36 объект жойлашган.

Мовий ранг сферанинг сўл қисмида Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намойиши учун икки қаватли бино ажратилган. Кираверишда GM Uzbekistan маҳсулоти — Cobalt автомобили қўйилган. Павильон асосий эшигининг тепа қисмига йирик монитор ўрнатилган. Унда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари, миллий урф-одат ва анъаналари, иқтисодий салоҳияти, туристик масканлар, диёримизда етиштирилган сархил мевалар намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон павильонининг биринчи қавати 630 квадрат метр майдонни

 EKSP0 — 2017

эгаллаган. Бу ерда кўёш, шамол ва сув, яъни келажақ энергияси маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Биласиз, табиатга зарар етказмай унинг неъматларидан оқилона фойдаланиш, сув, газ ҳамда электрнини тежаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартафоз этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Электр энергиясини тежашда кўёш энергиясини қўллаш усули қўл келади. Масалан, ҳозир автомобилларни юргизишда махсус аккумулятордан фойдаланилади. Мамлакатимиз павильонидан ўрин олган кўёш энергияси стендида 2030 йилда автомобилларни кўёш нури ёрдамида қандай қувватлантириш мумкин экани намойиш этилмоқда. Бу кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотаётди.

Умумий майдони 550 квадрат метрнини ташкил этган иккинчи қаватда мамлакатимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришилган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

ЎЗА

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

OTMларга қабул: Бу йил қандай янгиликлар бор?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сиртқи бўлимда кимлар ўқиши мумкин?

Айни пайтда ахборот технологиялари, кончилик, темир йўл соҳаларида фаолият юритаётган ўрта махсус маълумотли кадрлар махсус сиртқи бўлимларда ўқиб, олий маълумот олиш имкониятига эга. Сабаби, айнан шу йўналишлардаги учта олий таълим муассасасида махсус сиртқи бўлимлар очилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртқи бўлимига 100 нафар, жумладан, давлат гранти бўйича 15, тўлов-контракт асосида 85 нафар, Навоий давлат кончилик институтига тўлов-контракт асосида 90 нафар, Тошкент темир йўл муҳандислари институтига тўлов-контракт асосида 80 нафар бакалавр қабул қилиниши режалаштирилган.

Сиртқи бўлимларда

ўқишни истаганлар, аввало, топширадиган йўналишига мос касб-хунар коллежини тугатган бўлиши, шу соҳада камида 3 йиллик меҳнат стаж ва махсус сиртқи бўлимда олий маълумот олиши учун тегишли корхона ва ташкилотлар томонидан берилган тавсияномага эга бўлиши керак.

Классификаторда

янг кассблар пайдо бўлди

Республикамизнинг 36 олий таълим муассасасида 114 бакалаврият йўналиши, 42 олий таълим муассасасида 104 магистратура мутахассислигига қабул янгидан йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида бакалавриятда 6 та, магистратурада 8 та мутлақо янги, касб классификаторимизда илгари мавжуд бўлмаган йўналиш ва мутахассисликлар ташкил этилди. Жумладан, корпоратив молия (Тошкент молия институти), автомобиль йўллари, кўприклар, панеллар, йўл ўлказгичлар ва аэродромларни лойиҳалаш ва қуриш; шаҳар йўллари ва кўчалари (Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш институти) таълим йўналишларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Президентимизнинг шу йил 24 майдаги қарорига кўра Тошкент ирригация ва мелиорация институти Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига айлантирилди. Институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қодиржон Шовазовнинг маълумотига кўра, олий таълим муассасасининг янгиланган ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда, 8 янги йўналишда қабул амалга оширилиши белгиланган. Улар ичида классификаторда мавжуд, бироқ институт учун янги бўлган кишлоқ хўжалигини автоматлаштириш, электрлаштириш, мутлақо янги мелиоратив гидрология каби йўналишлар мавжуд.

Шунингдек, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги (Тошкент тиббиёт академияси), геоинформатика

(Тошкент архитектура-қурилиш институти), математик инжиниринг (Урганч давлат университети) каби янги магистратура мутахассисликлари ҳам ҳозирданок бакалаврият битирувчиларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Наманган муҳандислик-педагогика институти Наманган муҳандислик-қурилиш институтига айлантирилди ҳамда унинг ихтисослиги ўзгартирилди. Мазкур олий таълим муассасасида технологик машиналар ва жиҳозлар, бино ва иншоотларни қуриш, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш каби қурилиш ва архитектурага ихтисослашган йўналишларга қабул амалга оширилади.

Термизда

филиаллар иш бошлайди

Шу пайтгача Сурхондарёда битта олий таълим муассасаси — Термиз давлат университети фаолият юритаётган эди. Шу боис мазкур университетга ҳар йили қабул жараёнида энг юқори танлов кузатиларди. Масалан, ўтган йили 39 мингга яқин абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, бир ўринга 10,5-12 нафар абитуриент тўғри келган. Шу маънода, Термизда Тошкент давлат техника ва Тошкент давлат аграр университетларининг филиаллари ташкил этилаётгани кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди.

— Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига 8 йўналишда 350 нафар талаба қабул қилиниши белгиланган, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Ориф Зарипов. — Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, технологик машина ва қурилмалар, кимё технология каби бакалаврият йўналишида қабул квоталари Сурхондарё вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжи асосида белгиланган. Айни пайтда Термиз филиалини ташкил этиш бўйича кизгин ишлар олиб борилмоқда. Филиалда иккита факультет очилиши кутиляпти.

Мақсадли қабул

қандай амалга оширилади?

Жорий йилдан бошлаб илк мартаба тиббиёт олий таълим муассасаларига мақсадли қабул йўлга қўйилади. Унга кўра, республикамизнинг барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг грант ўринлари мақсадли қабул учун ажратилади.

Бу тажриба-синов бўлиб, кейинги йиллардан бошқа олий таълим муассасаларида ҳам жорий этилиши мумкин. Хўш, мақсадли қабул қандай ташкил этилади?

— Мисол ўрнида келтирадиган бўлсак, Андижон давлат тиббиёт институтига ажратилган грант ўринлар Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида яшайдиган, келгуси-

да шу ҳудудларда фаолият юритадиган абитуриентлар учун ажратилади, — дейди Барно Ражабов. — Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан Андижонга келиб ўқиш истagini билдирган ва бошқа ҳудудларда ишлашни ният қилган абитуриентлар тўлов-шартнома асосида ўқийди. Мазкур олий таълим даргоҳига 255 та грант ўрин белгиланган бўлиб, ҳудуднинг тиббиёт ходимларига эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, 87 ўрин Андижон, 75 ўрин Наманган, 93 ўрин Фарғона вилоятидан келадиган абитуриентлар учун ажратилади. Қолган 205 тўлов-контракт ўрнига баллар кетма-кетлигига кўра, ҳудуддан қатъи назар, бошқа абитуриентлар қабул қилиниши мумкин. Тошкент, Бухоро, Нукус, Самарқанддаги тиббиёт олий таълим муассасаларига қабул ҳам худди шу тартибда олиб борилади. Бошқа ҳудуддан келган абитуриент энг юқори баллини тўплаган бўлса ҳам, контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Шу ўринда яна савол пайдо бўлади: ўз ҳудудидан тиббиёт олий таълим муассасаси бўлмаган вилоят абитуриентлари грант асосида ўқиш учун қаерга ҳужжат топшириши керак? Мақсадли қабулда барча ҳудудлар эҳтиёжлари инобатга олинган. Масалан, қашқадарёлик абитуриентлар учун Тошкент тиббиёт академиясида 20, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 30, Бухоро давлат тиббиёт институтида 10, Самарқанд давлат тиббиёт институтида 56, Тошкент давлат стоматология институтида 6, умумий 122 грант ўрни ажратилган.

68 балл қабул чегарасими?

— Бу белгиланган квоталардан ташқари оширилган тўлов-контракт суммаси бўйича қўшимча қабул чегарасидир, — дейди Барно Ражабов. — Бугунги кунда кўпчилик абитуриентлар "68 дан юқори балл тўпласам, ўқишга кирман" деган хаёл билан юрибди. Бу — нотўғри фикр. 68 балл олий таълим муассасасига киришининг энг қуйи чегараси ҳисобланади. Охириги 15-20 йил мобайнида олий таълим муассасаларига киришда белгиланган энг қуйи чегара 68 балл билан белгиланади. Олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўзига хос тартибда амалга оширилади. Олий таълим муассасалари 15 августда қабул натижаларини олгандан кейин Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига муайян таълим йўналишига қўшимча қабул қилиш имконияти ҳақида маълумот беради. Шу маълумот ўрганилиб, мавжуд ўринлардан ташқари қўшимча қабул бўйича квоталар белгиланади. Шундан кейин оширилган контракт суммасини тўлашга қодир абитуриент ариза беради. Квоталардан келиб чиққан ҳолда абитуриентлар тўплаган баллар кетма-кетлигини қатъий сақлаган ҳолда, оширилган контракт суммаси бўйича абитуриентларни

ўқишга қабул қилиш бошланади. Дейлик, Ўзбекистон Миллий университетининг археология таълим йўналишига 25 нафар абитуриент (10 нафари грант, 15 нафари контракт асосида) қабул қилиниши белгиланган. Мазкур ўринга 200 нафар йигит-қиз ҳужжат топшириб, 25 нафари ўқишга киради. Қабул чегараси — 150 балл бўлди. Университет ўз имконияти, яъни моддий-техник базаси, аудиториялари, лаборатория хоналари, профессор-ўқитувчилар сонини инобатга олган ҳолда мазкур йўналишга яна 10 нафар абитуриентни қўшимча қабул қилиш имконияти борлигини маълум қилади. Мана шу 10 ўрин 50 нафар талабгор оширилган тўлов-контракт суммаси бўйича ўқишга қабул қилишни сўраб ариза бериши мумкин. Талабгорлардан энг юқори балл тўплаган ўн нафари талабаликқа қабул қилинади. Шубҳасиз, 69 балл олган абитуриент ҳам қўшимча ўринга талабгор бўлиб, танловда иштирок эта олади. Бироқ ундан юқори балл, дейлик, 149, 145, 130 балл олган талабгорлар бор бўлгани ҳолда, 69 балл олган абитуриентнинг ўқишга кириш эҳтимоли кам. Сабаби, тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларнинг тўплаган балига мувофиқ юқоридан пастга кетма-кетлик тартибинан бузмаган ҳолда амалга оширилади.

Тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси микдори ҳозир маълум эмас. Бу сума фақат 1-курсда тўланиши керакми ёки 4 йил мобайнида оширилган ставка бўйича контракт тўланадими, деган саволга ҳам аниқлик киритилмаган. Бу масалалар бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бу йилги қабулдаги янгиликлардан яна бири: мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар олий таълим муассасаларига киришда 50 фойзалик имтиёзга эга бўлди. Абитуриент тест синовларида 100 балл йўғса, 50, 160 балл тўпласа, қўшимча 80 балл берилади. Энди олий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентнинг ўзига кўпроқ боғлиқ. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар иккита олий таълим муассасасида танловда иштирок этиши, мазкур имтиёздан фойдаланган ҳолда танловдан ўта олмаса, мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида ариза топшириши мумкин.

Жорий йилда олий таълим муассасаларига ҳужжатлар 15 июндан 15 июлга қадар қабул қилинади. Шунга мувофиқ, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам диплом топшириш эртароқ бошланади. Тест синовлари эса ҳар доимгидек 1 августда ўтказилиши режалаштирилган.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Нукусда "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган дўстлик фестивали доирасида "Юрт тинчлиги, Ватан равнаки — энг буюк неъмат" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилгига бағишланган дўстлик ва маданият фестивали Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган миллий маданият марказлари фаолиятини, турли миллатлар маданияти, тарихи ва қадриятларини акс эттирувчи буюмлар, ҳунармандлик, каштачилик маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди.

— Мен Ўзбекистонда туғилганим ва шу юрт фуқароси бўлганимдан фахрланаман, — дейди Қорақалпоғистон Республикасидаги қозоқ миллий маданият маркази раҳбари ўринбосари Жубатқан Сағиндиқов. — Мамлакатимизда барча миллатлар тенг ҳуқуқли бўлиб, улар ўз тили, маданияти ва қадриятларини ривожлантириш, келгуси авлодларга бус-бутун етказиши учун кенг имкониятлар яратилган. Ҳар бир инсоннинг бахтли-саодатли яшаши учун барча шароит мавжуд. Ўзбекистон — барчамиз учун ягона Ватанимиз, муқаддас уйимиздир.

Дўстлик ва маданият фестивали доирасида Қорақалпоғистондаги олий ўқув юртлири, Амударё, Эллиққалъа, Кўнғирот ва Шуманай туманларида "Инсон манфаатлари — буюк қадрият" номида кўргазмалар ташкил этилди. "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!", "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик — барқарорлик асоси" мавзусида давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилди.

❖ "Стартап-хафталиги" танловининг Мирзо Улуғбек тумани босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг 1 минг 300 дан зиёд битирувчиси иштирок этди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Марказий банки ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида ташкил этилган танловда иштирокчилар ахборот-коммуникация технологиялари оид ғоя ва лойиҳаларни ҳамда уларни амалга татбиқ этишга қаратилган бизнес-режаларини тақдим этди.

Танловга долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими, мамлакатимизда янги рақобатбардош корхоналар ташкил этишга оид бизнес-лоийҳалар қабул қилинди. Юздан ортиқ компания, тижорат банки, вазирлик ва идоралар қайтарди, шунингдек, таниқли тадбиркорлар лойиҳаларининг истиқболи ва самарадорлигини баҳолади.

— Мен анчадан буён маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилари ўртасидаги муносабатларни автоматлаштириш электрон тизими устида иш олиб бораман, — дейди Тошкент шаҳридаги Инха университети учинчи курс талабаси Н.Анваров. — Тез орада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун интернет-ресурс ва мобил иловани ишга туширмоқчиман. Бу уларга ўз маҳсулотини маҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга етказиб беришда қатор имкониятлар яратади. Танловда ғолиб чиққан лойиҳамни амалиётга жорий қилишга кўмаклашадиган янги имконият бўлди.

❖ Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни муносабати билан амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифинг ўтказилди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 9 февралда ўтказилган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган чора-тадбирлар ижроси доирасида ҳар ҳафтанинг пайшанбаси мамлакатимизда профилактика куни, деб эълон қилинган юксак самаралар бермоқда, — дейди вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Умид Кенжаев. — Маҳалла, корхона, ташкилот, таълим муассасаларида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтказилаётган мунтазам тарғибот-тушунтириш ишлари натижаси жиноятлар содир этилиши нисбатан камайиб, жойларда маънавий муҳит янада яхшилаётганида ўз ифодасини топомқда.

Вилоятда жорий йил 1 июндан 8 июнга қадар қайд этилган 74 жиноятнинг 71 таси "изи йўқолмасдан" фож этилди. Айни пайтда мажкур жиноят ишлари юзасидан тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Фож этилган 3 ўғирлик жинояти бўйича айбдорларни қидириб топиш ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш борасида тегишли чора-тадбирлар қирилмоқда.

❖ Гулистонда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 5 жамоа ғолиблик учун баҳсқилинди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила ва Меҳнат кодекслари ҳамда миллий қонунчилигимизга оид ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди, тергов ва суд жараёнига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Боёв тумани енгил санаят ва агросервис касб-ҳунар коллежининг "Зиёкор" жамоаси ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Самарали билим — амалий натижа

Хабарингиз бор Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Вазирлар Маққамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида мақсадли ўқув курслари ташкил этилди.

Ушбу курсларда 20 та умумтаълим фани бўйича жами 588 нафар энг илғор педагог-ўқитувчилар тренерликка тайёрланди. Айни кунда ушбу тренер ўқитувчилар вилотларда ўтказилаётган ҳудудий ўқув курсларида ҳамкасбларига янгиликларни таҳлил этиш асосида етказишмоқда.

Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-мактабдаги мақсадли ўқув курсларида 40 нафар тренер ўқитувчи

томонидан она тили ва адабиёт, биология, бошланғич таълим, физика, кимё каби фанлар бўйича зарур маълумотлар берилди.

— Ўқув курсларида вилотдаги 18 та туман(шаҳар) таълим муассасалари ўқитувчиларига дарс жараёнида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари, компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларига киритил-

ган ўзгаришлар тушунтириб берилди, — дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Малика Жуманова. — Масалан, ДТС асосида ишлаш ўқувчига олган билимларини ҳаётга татбиқ этишни ўргатади. Машгулотларга Пискент туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Дилафруз Хошимова, 5-мактаб ўқитувчиси Васила Саидўжаева, вилот ХТХ-КТМОИ доценти Абдуқоюм Абдуллаев жалб этилди.

Ўқув курсларида иштирок этган 361 нафар фан ўқитувчиси, 28 нафар фан методистига тарқатма материаллар ва электрон ўқув қўлланмалар тарқатилди.

Ш.БОЙМУРОВА

Такрорий курслар онлайн ўтказилади

Миллий матбуот марказида "Олий таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимидаги халқаро ҳамкорлик" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида халқаро ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Жанубий Корея, Германия, Франция, АҚШ, Япония, Испания каби мамлакатлар олий таълим муассасасидан жалб этилган 100дан зиёд хорижий мутахассис иштирокида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилгани қайд этилди.

— Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тақомиллашиб бормоқда, — дейди Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Бош илмий-методик марказ директори ўринбосари Мухаббат Мирсолиева. — Хусусан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан биринчи мартаба ўтолмаган тингловчилар бир йилгача бўлган муддатда асосий ишидан ажралмаган ҳолда ўқув дастурларини муастақил равишда ёки масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали такроран ўзлаштириш тизими жорий этилди. Масофадан ўқитиш курсларининг онлайн ва оффлайн технологияларига асосланган дастурий платформа сўз ўқув-методик ресурсларини яратишда ҳам илғор хорижий тажрибалардан кенг фойдаланилди. Ҳозир 839 нафар тингловчи иш жойидан ва уйдан туриб масофавий курсларда тахсил олмоқда. Улар учун ҳар ҳафта онлайн маърузалар ташкил этилмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ҳоким ўқувчилар билан учрашди

"Самарқанд китоб олами" маънавий-маърифий мажмуасида Самарқанд шаҳар ҳокими иқтидорли ёшлар билан учрашди, дилдан сўхбатлашди. Шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари қатнашган тадбир маънавий-маърифий руҳови мулоқотга айланди.

Самарқанд шаҳар ҳокими Воҳид Раҳимов мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, амалга оширилаётган ислохотлар иқтидорли ўғил-қизларнинг қобилиятини намоён этишига замин яратаётганини таъкидлади.

— Таълим-тарбия тизимини тақомиллаштиришда китобнинг ўрни катта. Ҳар бир ўқувчи таътил кунларида бадиий асар муталааси билан шуғулланса, янги ўқув мавсумига пухта тайёрланган бўлади. Ёшлар-мамлақати-

миз тақдирини, улкан ютуқларимизнинг ҳал қилувчи кучи, уларга ишонимимиз керак. Бу ўз навбатида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, пухта билим эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиб беришимизни тақозо этади, — дея сўзини давом эттирди ҳоким.

— Ҳоким билан учрашувда Кимёгарлар шаҳарчасидаги 5-маданият ва аҳоли дам олиш марказида тўғарақ, спорт секциялари фаолиятини йўлга қўйиш, китоб

савдосини амалга ошириш борасида фикр билдирдим, — дейди 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зайнаб Сафарова. — Тақдиримиз амалга ошса, ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтар эди. Бу ёғи таътил кунларида тенгдошларимнинг тўғарақ ва спорт машғулотларига эҳтиёжини қондириши мумкин.

Тадбир сўнгига республика ва вилот миқёсидаги фан олимпиадалари, билимлар бешлашуви ҳамда турли спорт мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳоким Жўраев
Самарқанд вилояти

Ёшлар ижодиёти фестивали

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Талаба ёшлар ижодиёти" кўрик-фестивали ўз ишини бошлади. Тадбир доирасида олий таълим даргоҳининг битирувчи талабалари иштирокида концерт, турли спектакль, қисқа метражли фильмлар ҳамда шоу дастурлар намойиши режалаштирилган.

— Маъқур ижодий фестивал аънаванавий ўтказиб келинади, — дейди институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Давлат Муллажонов. — Мақсад талабаларимизни катта ҳаёт оstonасида яна бир бор имтиҳондан ўтказиш, шу аснода уларга ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун ўзига хос ишонч

беришдир. Эътиборлиси, фестиваль комиссияси аъзолари сафида юртимизнинг таниқли театр жамоаларидан маъсуллар қатнашди. Саҳнада мохирона ихро курсатган битирувчи йигит-қизларни саралаб олиш, ишга тақлиф этиш учун зўр имкон бу.

Тантанали очилиш маросими талабаларнинг тақдирот концертига улашиб кетди. Куннинг иккинчи ярмида эса М.Каримнинг "Ой тутилган тун" спектакли йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Иқтидорли, ижодкор талабаларни бирлаштирган талаба-ёшлар фестивали 17 июнга қадар давом этади.

Д.ЎСТЕКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

Аниқ ва табиий фанларни бевосита амалиёт билан боғлаб ўқитиш талаб этилади. Шу боис синфхоналар ўқув-лаборатория жиҳозлари, АКТ воситалари билан таъминлланиши зарур. Бугунги кунда юртимиздаги деярли барча мактабларда бундай имконият яратилган. Аммо улардан унумли фойдаланиш даражаси қандай?

ШАРОИТ ЁР.

АММО УНДАН ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

— Жиҳозлардан дарсда самарали фойдаланиш учун аввало, ўқитувчиларнинг ўзи уни тўғри ишлатиши билиши керак, — дейди Республика таълим марказининг аниқ ва табиий фанлар бўлими бошлиғи Мухаббат Тиллабоева. — Шу мақсадда ўқитувчилар учун методик тавсия, дарс ишланмалари чоп этилди, илғор педагогларнинг иш тажрибаси оммалаштирилди. Жумладан, ўтган ўкув йилида биология ҳамда кимё фанларидан лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлиниб, мактабларга етказилди. Жиҳозларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни ўргатиш мақсадида ўқув машғулоти ташкил этилди. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда 300 дан ортиқ электрон ўқув воситалари (электрон дарслик, ўқув фильмлари, мультимедиа воситалари), биология фанидан 5–9-синфлар, физика фанидан 6–9-синфлар, кимё фанидан 7–9-синфлар учун виртуал лаборатория ишлари яратилди. Мактаб жиҳозлари, кимёвий реактивлардан фойдаланиш мuddати 2–3 йилни ташкил этишини ҳисобга олиб, уларнинг ўрнини тўлдиришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

АКТдан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқувчиларга қўлаб имкониятлар беради. Ўқув материаллари мазмунини компютердаги тайёр ишланмалар асосида ўқувчиларга етказиш, дастурий таъминотдан машқ сифатида фойдаланиш каби қатор қулайликлар педагог ишини оsonlashtiradi. Олдин ўрганган материалларга қайтиш, ўтилган мавзуларга ихтиёрий вақтда мурожаат қилиш, жараёнларнинг динамикаси ва турли механизмларнинг ўзаро таъсири каби тасаввур этиш қийин бўлган ҳолатларни кузатиш, ўрганилаётган объектларни бошқариш, уларнинг натижасини кўриб бориш кабилар эса ўқувчилар учун қулайлик туғдиради. Ўқувчилар эгаллаган билим ва кўникмаларини мустақил баҳолаш имкониятига эга бўлади.

— Дарсларни замонавий шаклда олиб бориш учун ўқитувчида хоҳиш-истак, интилиш бўлиши керак, — дейди Олмазор туманидаги 278-мактабнинг география фани ўқитувчиси Мухриддин

Ta'limda AКТ



Авезов. — Иш фаолиятимда ҳар бир мавзу учун дарсликдан ташқари қўшимча манбалар — слайд, видеороликлардан, Ziyouet.uz, rtm.uz, multimedia.uz ҳамда республикамиздаги илғор ўқитувчиларнинг веб-сайтлари, жумладан, geog-rafiya.uz сайтидан ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишда фойдаланаман. Республика таълим маркази мутахассислари билан ҳамкорликда аниқ ва табиий фанлар форуми тавсиялари ва фан беллашувлари мониторингида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда бир неча мультимедиа ресурсларини тайёрладик. 7-синфлар учун "Soat mintaqalari va vaqt hisobi", 5–6-синфлар учун "Atmosfera", 5-синфлар учун "Yer po'stining harakatlari. Zilzila va vulqonlar", 5–6-синфлар учун "Okean suvining harakatlari. Oqimlar" каби видео қўлланмаларимиз шулар жумласидандир. Мазкур видеолардан фойдаланиш натижасида ўқувчиларда янги ДТС ва ўқув дастурида назарда тутилган табиий, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенциялари шаклланади.

Янгибозор туманидаги 10-ИДУМИнинг математика фани ўқитувчиси Садоқат Раҳимбоевнинг таъкидлашича, АКТ дарс жараёнида қўлланмаган, ноодатий ҳолат ва маълумотлар билан ўқувчиларнинг диққат ва қизиқишини орттиришда самара беради.

— Янги маълумотлар излаб, қўлаб манбаларга мурожаат қиламиз, — дейди

ўқитувчи. — Фаолиятим давомида математика дарслигида берилган арифметик амалларни бажариш, тенглама ва масалаларни ечиш билан чекланиб қолмасдан алломаларимиз ёзиб қол-

боева. — Муаммонинг савоблари ўрганилганда, ўқитувчи мавзунини етарли даражада тушунтирмагани, дарсда илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлламага-

бўларди. Савол билан ўқитувчига юзланганимизда, айнан шу мавзунини ўтишда электрон манбани топишга улгурмагани, аммо дарсларда тез-тез мультимедиа воситаларидан фойдаланишни таъкидлаб, бизни фан кабинетининг қўшимча хонасига таклиф этди. Ҳақиқатан ҳам, у ерда телевизор, мультимедиа воситалари, кўргазмалар куруллар, фанга доир қўшимча илмий китоблар ва даврий нашрлар мавжуд эди. Аммо мультимедиа воситалари ичкари хонада сақлаш учун эмас, синфхонада фойдаланишга берилганини Гулбахор Қосимова яхши тушунмаган кўринади. Акс ҳолда ўқитувчи унга ҳар кун мурожаат қилиб, фойдаланишга одатланган бўларди.

Бошланғич синф ўқитувчиси Мухаббат Шохалилова 2-синф математика дарсида "5 га кўпайтириш ва 5 га бўлиш" мавзусини мустақамлаш жараёнида кўргазмалар куруллардан фойдаланди. Рангли қоғозлардан ясалган гулли шакллар ичига мисоллар, баргли шаклларга унинг жавобларини ёзиб, қизиқарли ўйин ташкил этди. Шунингдек, ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, ўзаро беллашишга чорлади, баҳолаб бориш учун "Фол" ва "Энг фол" рағбат карточкаларини қўлади. Аммо синфда телевизор, процессор бор бўлса-да, улардан фойдаланилмади.

— Ҳар кун мультимедиа воситаларидан фойдаланардик, ўтган ҳафта процессоримиз бузилиб қолди, — дея изоҳлайди вазиятни Мухаббат Шохалилова.

— Муассасамизда юқори синфларда фойдаланиш учун тўртта видеопроектор мавжуд, — дейди информатика фани ўқитувчиси Гулшода Ушубоқова. — Фан ўқитувчилари ундан наватби билан фойдаланади. Физика, кимё хоналари ҳам лаборатория анжомлари, компютер, телевизор билан жиҳозланган. Информатика хонамиз интернет тармоғига уланган. Ҳамма ўқитувчилар АКТни қўллаш бўйича малакага эга. Аксариятининг шахсий веб-сайти бор.

Информатика ўқитувчисининг гапларига эътирозимиз йўқ. Чиндан ҳам мактабда барча шароит яратилган. Афсуски, шу кун бирорта ўқитувчи ана шу имкониятдан фойдаланиб, дарс ўтганини кузатмадик.

Шароитлар, электрон манбалар етарли бўлса-да, ўқитувчилар ундан фойдаланмас, эскича дарс ўтиш усулидан воз кечилмас, синфхонадаги АКТ воситалари фақатгина текширувчи келганда кўрсатиш учун хизмат қилса, бундан кимга наф?

Зилола МАДАТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ёш мутахассислар билими синовдан ўтказилди

Мамлакатимизда ёш авлоднинг турли касбларни пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. Айниқса, уларнинг спорт, илм-фан, касб-хунарга қизиқишларини ошириш мақсадида ўтказилаётган турли тадбир ва кўрик-танловлар ўз самарасини бераётир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этаётган «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови ҳам ўсиб келаётган авлоднинг ишчи касбларга бўлган ҳурмати, касб сир-синовтини эгаллашга бўлган иштиёқи ўсишига хизмат қилмоқда.




Пойтахтимизда «Энг яхши ёш ишчи касб эгаси» танлови мамлакат босқичининг «Пайвандлаш ишлари (механик) техниги», «Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик» номинациялари бўйича голиблари аниқланди.

Танловда «Пайвандлаш ишлари (механик) техниги», «Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича механик» номинациялари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида голиб



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



бўлган 28 нафар ўғил-қиз қатнашди. «Пайвандлаш ишлари (механик) техниги» номинациясида Хоразм вилояти Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-хунара коллежи битирувчиси Хурсандбек Вафоев голиб деб топилди.

— Пайвандлаш ишларига болалигимдан иштиёқим баланд, — дейди Х.Вафоев. — Турли металлларга ишлов бериш, темир бўлақларидан бежирим буюмлар, уй-рўзгорда ишлатиладиган анжомлар, қурилиш жиҳозларини яшаш мен учун мароқли. Қолаверса, юртимизда мазкур хунара эгаларига эҳтиёж катта. Шу боис касб сирларини кўнгил билан ўзлаштирдим. Мазкур танлов таълим муассасасида олган билимларимни синовдан ўтказишга ва мустақамлашга замин яратди.

«Автомобилларни таъмирлаш ва

техник хизмат кўрсатиш бўйича механик» номинацияси бўйича Андижон вилояти вакили, Андижон автотеххизмат корхонаси ишчиси Бобур Обидов биринчи ўринни эгаллади.

— Коллежда олган назарий билимларимни бугунги кунда амалиётда қўлламоқдаман, — дейди Б.Обидов. — Барчага маълум, юртимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланмоқда. Бу жараёнда автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга ҳам талаб ортмоқда. Шу боис мазкур соҳа бўйича янги лойиҳа бошламоқчиман. Бу борада менга ушбу танлов жараёнида эгаллаган билиму кўникмаларим кўл келишига ишонаман.

Ш. МАМАТУРОПОВА,
ЎЗА мухбири

Дастурчи ўқувчи

Компьютерда, телефонда ўйин ўйнашни ёқтирмайдиган ўқувчи бўлмаса керак. Бу ўйинлар барча болаларни бирдек ўзига жалб этади, диққатини тортади. Ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг тақиқлари, қайта-қайта оғоҳлантиришлари ҳам уларни бундан чалғита олмайд. Шуларни кузата туриб, Диёрбекда болаларнинг фикру ҳаёлини айнан шу ўйинлар орқали, ўқишга йўналтириш мумкинми, деган савол туғлади. Отаси ва устози Баҳодир Сатторовнинг маслаҳати-га таяниб, янги таълимий дастур яратишга киришди. Натижа кутилганидан ҳам аъло бўлди. Мазкур дастур яқинда «Энг яхши ахборот-таълим ресурслари» танловининг республика босқичида юқори баҳолашиб, фахрли 1-ўринга лойиҳа топилди.

— Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Энг яхши ахборот-таълим ресурслари» кўрик-танловининг ўтказилиши Диёрбекка ўхшаган дастурлашга қизиқувчи ўқувчиларнинг иштиёқи ва интилишини янада кучайтириб, уларни маълум бир мақсадга йўналтиришга туртки бўлди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази мутахассиси Матлуба Нуралиева. — Тадбирни ўтказиш жараёнида мактаб ўқувчилари орасида бу соҳага қобилияти бор, иқтидорли ўғил-қизларимиз кўп эканлигига амин бўлдик. Танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган 13 нафар ўқувчи ўзининг умумтаълим, ихтисослаштирилган ва махсус таълим муассасалари учун ўқувчиларини ўқитиш ва ўрганиш, таълим-тарбия жараёнида АКТдан фойдаланишга қаратилган дастурларини тақдим этди. Уларни ўрганар эканмиз, ҳар

бири ўзига хос ёндашув ва гоё асосида яратилгани, бугун ёшларимизнинг компьютер имкониятларидан самарали фойдаланишга ётгани бизни беҳад қувонтирди. Иштирокчилар орасида, айниқса, Ғижувон туманидаги 10-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Диёрбек Тolibовнинг ижодий иши мутахассислар ва ҳайъат аъзоларининг эътиборини тортди. Вилоят босқичида энг яхши дастур сифатида эътибор этилган мазкур лойиҳа Хоразм вилоятида ўтган республика босқичида ҳам энг яхши деб топилди.

Диёрбекдан дастурнинг яратилиши ва ишлаш тартиби хақида сўрадик. — Яратган ишим 4-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда асосан математика дарслигидан ўрин олган «Тезлик. Вақт. Масофа» бўлимларидаги масалаларни ечишга кўмаклашувчи кўргазмалар тўплами жамланган, — деди у. — Ўқувчилар бу масалаларни китобдан ўқиганда



Факр

тўлиқ тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин. Ана шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда, бўлимдаги 36 та масаланинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида овозли анимациялар яратдим. Бу ўқувчи онгида берилган масала юзасидан аниқ тасаввур ва тушуنча ҳосил бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, дастур кўшимча имкониятлар билан ҳам бойитилган. Масалан, ўқувчи масалани ечишга қийналса, ёрдам олиши ёки математик амалларни бажариш тезлигини ҳамда аниқлигини текшириб кўриши мумкин. Турли тренажёрлар ва қизиқарли интеллектуал ўйинлар орқали эса дам олиш дақиқаларини мароқли ўтказиш имкониятига эга.

Айтиш жоизки, Диёрбек яратган ахборот-таълим ресурслари бугун у тахсил олаётган мактабда кенг қўлланилиб, ўз самарасини бермоқда.

Ирода ОРИПОВА

Сергел туманидаги 300-ИДУМ қошида ташкил этилган «Кичик академия» тўрт йўналишда иш олиб боради. Жумладан фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш йўналишида ўқувчилар ўзлари қизиққан фанлар бўйича мавзу талаб, тўғарак раҳбари билан ҳамкорликда матруза, муҳожима, илмий-амалий фаолият юритиш, ностандарт масалалар ечиш, тажриба-синов лаборатория ишларини бажариш билан шуғулланади. Фан олимпиадалари ҳамда билимлар беллашувига тайёргарлик кўради.

«Кичик академия»нинг — катта ютуқлари

Ёш ижодкорлар йўналиши иқтидорли болаларнинг фанга қизиқишларини ошириш, ижодий ишлар ва билимларини оммалаштириш, мустақил шуғулланишига кўмаклашишга қаратилган. Ёш тадқиқотчилар йўналишида кичик илмий иш ва ихтиролар яратишига кўмаклашилади. Спорт ва маданият йўналишида эса ўқувчилар ўзлари қизиққан спорт тури бўйича мусобақаларга тайёрланади.

«Кичик академия»нинг фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўлимида 657 нафар, ёш ижодкорлар 20 нафар, ёш тадқиқотчилар йўналишида 24 нафар ҳамда спорт ва маданият йўналишида 175 нафар ўқувчи билиминини мустақамламоқда.

Бир қанча олий таълим муассасалари ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида иш олиб борилади.

— «Кичик академия»нинг ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган илмий-амалий ҳисобот фестивали орқали ўқувчиларнинг иқтидори намоён бўлади, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Малика Абдуллаева. — Бунда ўқувчиларнинг касб танлашига кўмаклашилади, эришилган ютуқлар сарҳисоб қилиниб, кейинги ўқув йили учун истиқбол режа аниқлаб олинади. Ота-оналарнинг фикрида иштирок этиши таъминланади.

Бу йилги ҳисобот фестивали «Фикримиз, жасоратимиз, ижодимиз — сенга, Ватан!» шиори остида бўлиб ўтди. Унда мактаб «Кичик академия»си иқтидорли ўқувчиларининг 2016-2017 ўқув йилида эришган ютуқлари намойиши ўтказилди.

Санъатхон ИСМАТУЛЛАЕВА,
шу мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Китоб билан дўстлашиш керак

Нукус шаҳри «Истиқлол» ёзи дам олиш марказидаги болалар кутубхонасида «Ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорлигидаги инновацион фаолиятнинг асосий йўналишлари» мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Республика илмий педагогика кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходимлари, вилоятларнинг АРМ директорлари иштирок этди.

— Кутубхоналаримиз қанчалки тараққий этса, китобхоналар қанчалки кўпайса, демак кўзланган мақсадга эришамиз.

Бугунги семинар кутубхоналарни янада ривожлантириш, ёшларнинг китоб билан дўст бўлишини таъминлаш борасида янги гоё ва таклифларни бергани, ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришга замин яратгани билан аҳамиятли бўлди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси болалар ку-

тубхонаси директори Зулфия Сейтниязова.

Тадбирда «Ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини тарбиялашга қаратилган ижтимоий-маданий тадбирлар», «Ҳаракатлар стратегияси — китобхоналикни янада ривожлантириш омили», «Вэбландия» ўқувчилар учун энг яхши электрон ресурслар тақдими» мавзуларида маърузалар тингланди.

НесибеЛ
МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

Яқин ҳудуддаги коллежда ўқиш

ўқувчига ҳам, ота-онага ҳам қулай

Шиддат билан ривожланган бугунги даврда хизмат кўрсатишнинг янги турлари, янги касб-хунарлар пайдо бўлаётгани ўқувчиларнинг касб танлашга масъулиятини ошироқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда темирйўл транспорти хизматининг жадал ривожланиши, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг такомиллашиши Зомин туманидаги 60-мактабнинг 9-синф битирувчиси Нурсайд Гайбуллаевни ҳам бефарқ қолдирмади. Телевизорда тез-тез намоиш этилаётган "Афросиёб" тезюрар поездида саёҳат қилиш унинг орзусига айланди. Кейинчалик ўсмирда шу тезюрар поезди бошқариш истаги пайдо бўлди ҳамда у мактабни битиргач, Тошкентдаги темирйўл транспорти коллежиде ўқишга аҳд қилди.

— Айнан шундай йўналиш Даштбод шаҳридаги транспорт касб-хунар коллежиде ҳам мавжудлигидан кўпчилик ўқувчилар беҳабар, — дейди Зомин туманидаги 60-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мавлуда Тожибоева. — Шу боис дастлаб Нурсайднинг ўзига, кейин оила аъзоларига бу ҳақда тушунтириб, маслаҳатлар бердик. Ўқувчининг ишончини ошириш мақсадида "Очиқ эшиклар куни"да мазкур коллежда саёҳат уюштирдик. Шундан сўн Нурсайднинг фикри ўзгарди. Мактабни тугатгач, шу коллежда ўқиш истагини билдирди.

Хаёт оstonасида турган ўғил-қизларнинг ўз иқтидори ва лаёқатига муносиб касб танлашида оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳалла аҳлининг ҳолис, жўяли маслаҳати битирувчининг бу борада муайян қарорга келишида асослади. Яна бир битирувчи Мохинур Тожиқулованинг ўзи қизиққан соҳа бўйича тўғри қарор қабул қилишида ҳам жамоатчиликнинг хизмати катта бўлди. Мохинур дастлаб Тошкент юридик коллежиде ўқимокчи эканини айтди. Синф раҳбари, мактаб амалиётчи психологи ўтказган суҳбатлар, кўрсатган йўл-йўриқлардан Мохинур Жиззах ҳуқуқшунослик коллежиде ўқишни давом эттиришга рози бўлди.

— Боланинг касб танлашида оилавий шароитни ҳисобга олиши ниҳоятда муҳим, — дейди Мавлуда Тожибоева. — Шу маънода, битирувчиларнинг ўзи яшаётган ҳудудга яқин жойлашган коллежда ўқишни давом эттириши оиласи учун моддий-маънавий жиҳатдан жуда қулай. Унинг ўқиши, касб-хунар ўрганиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишига ота-онаси кўмақдош, қолаверса назоратни ҳам доимий олиб боради. Шунинг ҳисобга олиб, ўқувчиларга туманимиздаги мавжуд тўққизта касб-хунар коллежиде ўқишни тавсия қиламиз. Йигит-қизларнинг ушбу таълим муассасаларига қизиқишини ошириш учун мактабни битириб, мазкур коллежларда аъло баҳоларга ўқийётган ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Саъй-ҳаракатларимиз ижобий таъсир этиб,

ҳудуддаги коллежларда ўқиш истагини билдираётган ўғил-қизлар сафи кенгаймоқда.

Таълим-тарбия соҳасида 36 йиллик таърибига эга педагогнинг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ. Унинг таъкидлашича, ҳар бир ўғил-қиз ихтиёрий равишда, ҳеч қандай таъйиқсиз касб танлаш имконига эга. Бунинг учун ўқув йили давомида уч марта сўровнома ўтказилади. Биринчиси декабрь ойига тўғри келади. Сўровномани тўлдиришда ўқувчи ота-онаси билан бамаънаво иш тутади. Уни таҳлил қилишда улар билан бирга мактаб психологи, синф раҳбари, ҳамшира ҳам иштирок этади. Ўқувчи ва ота-оналарнинг савол ҳамда эътирозлари қаноатлантирилиб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берилади. Февраль ойида ўтказилган иккинчи сўровномада ўқувчи ўзи танлайдиган касб ҳақида, март ойида ўтказилган учинчи сўровномада қайси таълим муассасасида ўқишни давом эттириш борасида узил-кесил қарорга келади.

Шу паллада ўқувчиларни касб-хунар коллежлари ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказилади. Касб-хунар коллежларига саёҳатлар уюштирилади. Ҳудуддаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини акс эттирувчи буклет, альбом ҳамда рангли расмлар кўргазмалари ташкил этилади. Бундай тарғибот ишлари ўқувчиларнинг коллеж ҳақидаги тасаввурини бойтади. Масалан, Зомин тиббиёт колле-

жининг доришунослик йўналиши Севинч Эргашевада катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Кейинги йилларда битирувчиларнинг шу соҳани танлаётгани туманда фармацевтика корхоналари барпо этилаётгани билан боғлиқ.

— Бу йил мактабимизни 162 нафар ўғил-қиз битиришти. Уларнинг деярли барчаси ҳудудимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиш истагини билдирди, — дейди Мавлуда Тожибоева. — Фан олимпиадаси, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида йўлланмани кўлга киритган 24 нафар ўқувчимиз вилоятимиздан ташқаридаги таълим муассасаларида ўқишни давом эттиради.

Зомин туманида туризм ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимининг йилдан-йилга кўпаяётгани ўз-ўзидан уларга хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтиришни талаб этади. Шунинг ҳисобга олган Фарангиз Нуралиева, Фарангиз Собирова каби битирувчилар тумандаги педагогика ва маънавий хизмат-транспорт коллежини туризм йўналишида ўқишга аҳд қилди. Шохжаҳон Ўнғаров эса ёшлигидан чорвачиликка қизиқгани, чорва молларини парваришда ва даволаш сир-асрорларини ўрганишга иштиёқи баландлиги туфайли Зомин қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежининг ветеринария йўналишига ҳужжат топшироқчи.

Мавлуда Тожибоеванинг таъкидлашича, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда

турли тадбирларнинг аҳамияти катта. Жумладан, "Очиқ эшиклар куни", "Ота-оналар йиғилиши", "Оталар йиғилиши", "Оналар йиғилиши", "Хунари қиз — юрт келажиги", "Қиз боланинг касби — унинг бахти" каби тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган.

— 2016-2017 ўқув йилида вилоятимиздаги мавжуд умумтаълим муассасаларининг 9-синфини 21068 нафар ўқувчи битирмоқда. Сўровнома натижаларига кўра, уларнинг 1645 нафари академик лицей, 19423 нафари касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган, — дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ташқи маркази раҳбари Бекзод Бобоев. — Йил давомида ўғил-қизларнинг касб-хунар коллежлари ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан мунтазам равишда "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали", "Мутахассислигинг — сенинг келажигинг" тадбирлари ўтказилди. "Мен орзу қилган касб" мавзусида ишончлиқ талаб уюштирилди. Давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда "Таълим тўғрисида"ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда республикамизда 12 йиллик мажбурий таълимнинг мазмун-моҳияти ота-оналарга баъносил тушунтирилди.

Яна бир ўқув йили тугади. Санокли кунлардан кейин ўқувчилар таълимнинг кейинги босқичига йўл олади. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида уларнинг замон талаби даражасида билим олиши, ўзи танлаган соҳани пухта эгаллаши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Абдусаттор СОДИҚОВ
Жиззах вилояти

Таълим маскани кўркам, ёруғ ва шинам бўлсин

Фарзандларимизнинг шинам, кўркам ва янги таъмирдан чиққан ўқув биноларида таълим олиши ота-оналарни ҳам беҳад хурсанд қилади. Уларнинг бекаму қўст улғайиши, замонавий билимларни ўлаштириши ва хорижий тилларни мукамал ўрганиши учун шарт-шароит яратиб берилганидан қалбимиз фخرга тўлади. Мустақиллик йилларида кўплаб янги мактаблар қурилиб, мавжудлари жорий ва капитал таъмирланди. Энг муҳими, бу ишлар анъана тусини олиб, Инвестиция дастури асосида ҳар йили ишчилар давом этмоқда.

2017 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ 477 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Жами 877 та мактаб меъбел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари ва спорт анжомлари билан жиҳозланади. 10 та янги мактаб қуриш, 312 тасини реконструкция қилиш, 151 тасини таъмирлаш кўзда тутилган. Бу ишлар учун 524,3 миллиард сўм маблаг ажратилган.

Жумладан Наманган вилоятида ҳам дастур асосида янги мактаблар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Наманган шаҳридаги 48-мактаб вилоятдаги ўқувчи қамрови бўйича энг катта таълим муассасала-

ридан бири ҳисобланади. 1800 нафар ўғил-қиз фан сирларини ўрганаётган зиёвона пойдевори 46 йил муқаддам кўтарилган. Минглаб ёшларга қанот берган даргоҳ бугун Инвестиция дастури асосида мукамал таъмирланиб, барча қулайликлар яратилмоқда. Шаҳарнинг 1-кичик тумани марказида жойлашган мактаб биносиде айни дам қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Қарийб 4 гектар майдонни эгаллаган кўп қаватли мактаб ҳовлисида қурувчи, муҳандис-техник ҳамда сантехника мутахассислари янгича қўринишдаги замонавий ўқув биносини шакллантириш тарафдорлари. Штаб бошлиғи ва мактаб директорини катта лойиҳа макети устидаги муҳокама жараёнида учратдик. Бош пудратчи "Стандарт қурилиш таъминоти" МЧЖ иш юритувчиси Улугбек Тошбоев қурилиш ишлари билан таништиришга киришди.



Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

— Мактабда 2017-2018 йиллар мобайнида 3 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган, — деди у. — Бу йил 1 миллиард 400 миллион сўмлик қурилиш-пардозлаш иши якунланади. Ўтган уч ойда 700 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу юмушлар иккита асосий ўқув бинолари ҳисобига тўғри келади. Иншоотни тиклашда энг сара ва сифатли маҳаллий қурилиш материаллари ишлатилмоқда. Ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган пластик материалдан ясалган ромлар жуда бежирим ва пишик чиқаяпти. Энг муҳими, улар нисбатан арзон.

Эшик ва ромларни шу ерда тайёрлаётган уста Ўткир Убайдуллаев маҳсулотнинг афзаллиги ҳақида гапириб берди.

— Иссиқ-совуқни яхши тутати, шовқин ўтказмайди. Хизмат мудади ҳам юқори. Ҳаммаси лойиҳада кўрсатилганидек бажарилаяпти.

Эътиборлиси, 351,3 квадрат метри спорт залида ҳам таъмирлаш ишлари кетаяпти. Очиқ майдонда ҳам ёзги спорт иншоотларини таъмирлаш ва бунёд этиши

режалаштирилган. Масалан, 800 квадрат-метр майдонни эгалладиган кичик футбол майдони, катта стадион, волейбол, баскетбол майдончалари шулар жумласидан.

— Фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган ўқув биноларининг замон талаблари даражасида таъмирланиб, жиҳозланиши биз, ота-оналарни ҳам қувонтиради, — дейди Муножот Абдуллаева. — Йиллар мобайнида ушбу мактаб биносининг электр ва санитария-гигиена тармоқлари анча яроқсиз бўлиб қолганди. Сифатли таълим-тарбия олиш учун жиҳозлар етишмасди. Жисмоний тарбия дарсларини янада қизиқarli ва талаб даражасида ўтиш учун ҳам шароит етишмасди. Насиб қилса, қурилиш ишлари якунлангач, фарзандларимиз ўқиб-ўрганиши учун зарур барча қулайликларга эга бўлади. Спорт билан мунтазам шуғулланиш имконияти ошади. Шу боис айни дамда қурилиш жараёнига биз ҳам бефарқ эмасмиз. Ота-оналар вакилларидан иборат жамоатчилик кенгаши тузиб, зарур ёрдамимизни аямаяпмиз.

Фанишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Бола болдан ширин, дейишади. Оламда неки яхшилик, недан нажот бор, ҳаммаси кўзлари мунчоқлар учун. Кувноқ ёз ҳам уларнинг байрами билан бошланиши бежиз эмас. Ун иккига тақсимланган тақвимда 1 июнь бошқа айёмлар ичида чарақлаб тураддек, қиқирлаб кулаётгандек гўё. Кўнгулига губор инмаган, қароқларида самимият мавжланаётган болакайгина борлиқнинг тартибларини писанд этмаслиги, табассуми билан зимистон қалбларни ёритиши мумкин. Олтмиш йилки, болалар дунёсида муқим, ёзанларида болаларнинг ўй-хаёли, орзуси мужассам, қоракўзларни жон-дилидан суйиб, уларнинг дарду қувончига шерик халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев айём бахона дилига туканларини тилга кўчирди. Асарлари жами йш-гирма саккиз тилга ўзирилган адабни чинакамига "Бутунжаҳон болалар ёзувчиси" дейиш мумкин.

— Болажон халқимиз. Фарзандимизнинг митти бармоқчаларига зирапча кирса, юрагимиз зириллайди. Бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш кунини ҳам алоҳида тадбирда ўтказамиз. Лекин сўнги йилларда ён-атрофимизда рўй бераётган нохуш воқеалар, табиий офатлар, кимларнингдир фарзат мақсади авазига қурбон бўлаётган, таълимдан узилган, бошпанаси, ота-онасидан айрилган болаларни кўриб, кўнгил бузилади. Бу байрамни бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш, деб номлабмизу, унинг тамоман зидди қилинаёттир. Байрам чироқлари ўчган хонадонлар қанча...

— Хўроз ҳамма жойдаям бир хил қиқирмайди. Инкор этмайман, бу байрам кадрдон гўшаларда баб-бараварига ўтказилмайди. Ҳимояга муҳтож мамлакатлар, ҳимояга муҳтож болалар, ҳимояга муҳтож кўчалар сероб. Мана, Африкани олинг. Яшил ҳолда ҳимояга муҳтож кўча. Маданий-маърифий, иқтисодий, ҳам сиёсий тарафдан кимнингдир кўмаги, ҳимоясига интиқ. Бугун катталарнинг айби, қилмиши учун болалар бадал тўлаётгани қони қайнатади. Сотилган, меҳнатидан фойдаланилган, таълимдан узоклаштирилган, энг ёмон, қурбон қилинган... юрагингиз ёниб кетмайдими? Таассуф, деб гапирасиз шу топда. Уларнинг болагини, тоза орзу-хаёларини куч билан тортиб олишга, тахқирлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Бундай кимса олий жазага муносиб!

— Шукри, юртимизда болаларнинг соғлиги, маънан ва жисмонан етукиги ҳақиқат эътиборда. Хатто эндигина тўрт ёки бешга тўлган болакайнинг хорж ўлкаларидан шахмат, мусика, спортнинг бирор турида чемпион бўлиб қайтаётгани ҳақиқий хушхабар. Илгари бундай янгиликлар кўпам учрайвермасди-да!

— Эътибор бердингизми, Ўзбекистонда бир галати шариот туғилди. Оқайтган Амударёдан тортиб, Фарғона vodiysining Чотқол етакларигача яшаётган халқимиз ҳаётида янги са-

Китоб марафони китобхонликка ундайди

Инсон тафаккури мутула қилаётган китоблари билан бойиб боради. Ёш авлодни китобга қизиқтиришда "ўқи" деган сўзнинг ўзи камлик қилади. Катталарнинг бевосита китобхонлик борасида ўрнак бўлиши болаларни китоб оламига ошно этади. Айрим мактабларни кузатганимизда кутубхоналарда дарсликлардан бошқа адабиётлари учратмаймиз. Бу тарзда ўқувчиси китобхонликка қандай қизиқтириш мумкин? Мактаб жамоасининг ҳам-жихатликдаги саяё-ҳаракати мактабда китоблар ва китобхонлар сонини кўпайтиради.

Термиз туманидаги 34-мактабда ҳар бир синфда ўтказилган китоб марафонидан энг кўп китоб йўтган синф ҳамда энг кўп китоб ҳаля қилган ота-она фахрий ёрлик билан тақдирланди.

— Марафонни ташкил қилишдан мақсад, кутубхонаимизни бадий адабиётлар билан бойитиш, — дейди мактаб директори Раъно Махманова. — Тадбирда ота-оналар фаол иштирок этди. Мактабга бадий адабиётлар совға қилишди. Энг кўп китоб Исмаилов оиласи томонидан тақдим қилинди. Тадбир натижасида мактаб кутубхонасида икки юздан ортиқ адабиёт жамланди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА

шаббуси, лаёқати, билими борми, ҳаммасини текширадди. Бу ўртача ҳолат, албатта. Болаларнинг илм-фанга қизиқиш маданияти кучли эдию, бироқ уларнинг мактабларда олаётган таълими университетларда ўтиладиган дарсларга нисбатан паст бўларди. Институтларга қабул қилиш мақомида ҳам камчиликларни санамаганим маъқул. Болалар гоҳи нимани ўқишни, қайси фандан тўзукроқ тайёрланишни билмай қўйналарди.

— Демак, "Ўйла, изла, топ!" интеллектуал ўйинида қатнашаётган аксар ўғил-қизнинг билими, топқирлиги талабга мос келмасди, шундайми?

— Йўқ, тиришқоқлари кўп эди. Орасида фан олимпиадалари қолиблари-

ган, унинг дунёда борлигини кўрсатадиган, қадриятларни сақлашга кўмаклашадиган шеър й кайфиятдан ташқари проза бўлади. 2005 йилкининг ям эшитдим. Ўтган йилдагидан беҳроқдир, деган яхши ниятим йўқ эмасди. Кавсар Турдиева шеърятнинг ҳисоботини берди. Хурсанд бўлдимки, кучли шеърлар ёзилди, кучли асарлар яратилди, деб. Наср ҳақида Мақсуда Эгамбердиева сўзлади. Қизиқ гапни айтиди ўшанда. "Фалон раҳбар нашриётида атиги учта китоб чиқибди болаларга бағишланган. Учовини бир муқовага жойласак, чаватидек юмшоқ китоб бўлади", деди қуноиб.

Инсоф билан айтганда, китоб нашр этиш тўхтагани йўқ. Асосан, классик адабиётлар, Марк Твен, Жюль Верн,

қат дарсликдаги маълумотлар билан чегараланаётгани яна бир сабаб. Мактабларга учрашувларга борамиз. Сўхбат чоғи: "Қани, ўғилларим! Баҳоям керак сизларга, ким айтади, бу йил қандай китоб ўқидиларинг? Қўл кўтаринглар!" дейман. Ҳатта жим. Бироздан кейин ёнида ўйинган муаллимаси туртади. Ўрнидан зўрға туриб, "Тоҳир ва Зухра", "Ёрилтош", "Уч оғайни ботирлар"ни ўқиганини дудуқлашиб айтиди. Эрта! Ўқиганларининг ҳаммаси эрта. Болалар ўн йиллаб китоб ўқимади кетди. Айтиш керак-да буни!

Узоқ йиллар болаларнинг сўз бойлигини "Ўйла, изла, топ!" лойиҳасида ўрганим. Шунда вилотлардан келадиган болалардаги сўз гузаллигини, сўз бойлигини, уларда схема бўлган

Худойберди бобонинг ўйлаган, излаган ва топган ҳақиқатлари

ҳифалар очилаётгандек. Президентимизнинг охириги уч-тўрт ой ичи чиқарган фармон, қарор, фармойишлари сабаб соҳаларда беркиниб ётган имкониятларнинг кўзи очилди. Яширмайман, илгаритдан бор эди ўша имкониятлар. Лекин уни йўналтириш қийин кечармиди ё хохламасидик... хайронман. Президентимиз эътиборни энг муҳим томонга қаратди. Халқ билан мулоқот, инсон манфаати — мана, гап нимада! Шиор ташлади: "Инсон бу дунёда бахтли бўлмаган, деб келади. Ҳар бир инсоннинг бахтли яшашга ҳаққи бор!". Конституциямизда ҳам шу ҳуқуқлар йиғирма беш йилдирки, мустақам турибди. Болалар учун биргина китобхонлик масаласининг ўртага чиққани бошқа саяё-ҳаракатларга йўл очади, назаримда.

— Таълим-чи? Болаларнинг олаётган билими, мактаблардаги умумий ҳолат қониқарлими?

— Таълим тўғрисида ҳам қувонтирадиган хабар бор. Эшитганимиз? Бу йил ўғил-қизларнинг анчагинаси талаба бўлса, ажабмас. Имтиёзларни кўринг! Институт, университетларга қабул қилишда янги фармон ўқиб-ўрганишда давом этаман, деган ёшлар учун кенг имконият берди. Тўғри, бунинг йўллари ҳам бор эди, буни инкор қилмаймиз. Лекин адолат, одиллик тушунчаларига путур етаётганди.

Мактабларга келганда, кўп масалалар очик ярамиздек туюлади менга. Йиғирма икки йил республикаимиздаги ўн мингга яқин мактаб, бир яра миғинга яқин ўрта махсус касб-хунар таълими муассасасида "Ўйла, изла, топ!"га бош бўлдим. Дастуриимиз 16-18 та соҳани қамраб оларди. Шу фанларни ўқувчилар нечоғлик билади, та-

ям қатнашарди. Бироқ умумий ҳолатда анчасининг билими қониқтирмади мени. Айрим фанлар мактабларда номига, дарс соатларини тўлдирдиш учун ўқитилиши саралаш чоғлари кафедрек кўринарди-қоларди.

— Болалигимиз эртагу ривоятлар, болаларбоп китобларни ўқиш билан ўтади. Усмирилгимизда эса ишқ-муҳаббат, ҳижрон-айрилик тасвирланган асарлар ичига шўнгиймиз. Қизиқ-да! Ёшимиз сал уғайиб, унча-мунча китобларни титкилагач, руҳиятимизга мосини қидиришга тушамиз. Ҳар кимнинг танлови ўзида. Лекин болаликда ўқилган китоблар йиллар ўтсаям, тоғша ўйилган нақидек қолавераркан. Яқинда китоб дўконига кирсам, пештахтада эртақ, митти-митти ҳикоячалар жамланмалари, хрестоматиялар, уч-тўрт чет эл адабнинг китоблари тахлибди турбидио, ўзимизнинг носирларники икки, нари борса, учтадан ошмайди. Нима, ёзувчиларимиз китоб ёзмай қўйишганими ёки гап нашриётлардами?

— Саволингизга жавоб беришдан олдин бир гапни атай. Ислохотлардан хабарингиз бор. Адабиёт ҳам бундан четда турмади. Ҳозир гаплашаётган соатимизгача бўлган даврини обдон таҳлил этсак, адабиётимиз ҳалиям бир ерда қимирламай турибди. Болаларники ҳам, катталарники ҳам. Узоққа бормайлик, "Шарқ юлдузи" билан "Ёшлик" журналларини солиштиринг-а! Адади уч-тўрт мингдан ошдик эмас. Ёки "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасини кўринг. Уникиям зиёда эмас. Тўғрими? Ниманинг белгиси бу? Республикада 500 минг атрафида муаллим бор. Шундан эзлик мингга яқини адабиёт муаллими. 1983 йили "Ёш куч"да раҳбар сифатида ишлаётган кезларим, журнални 750 минг нусхада босганим. Куни кеча журналнинг охириги сонини варақласам, атиги уч минг нусха чиқибди. Қани ўқувчи? Нега нашрларнинг сони кескин пасайиб кетди? Буларнинг бари жамиятда адабий-бадий матнларга қизиқилишнинг йўқолаётганидан дарак.

2004 йили болалар адабиёти ҳисоботи ўтказилди. Бордим. Қарангки, ўшанда шеърят 98 фоизни ташкил этибди. Афсус, деб гапирганиди ўшанда ҳисоботчи (исми ёдимдан кўтарилиб турибди) наср атиги икки фоизга етибди. Болаларга проза йўқ, деди таъкид билан. Агар шунинг акси бўлса-чи, 98 фоиз наср, қолгани шеърятни ташкил этса, тасаввур қилясизми? Миллатни миллат сифатида ўйғотадиган

жаҳон халқ эртақлари, ривоятлари қайта-қайта босилиб ётибди. Энг тепасига "Болалар адабиёти" рукнини қўйиб, олди-қочди китобларни тинмай босаётган нашриётларни бўйнидан гиппа олсам дейсиз. Эви билан-да! Болаларга бағишланган соф адабиёт йўқолиб бораёттир. Кейинги йили ҳисоботга бормадим. Шукрулло Абдуллаев деган йигит қилибди сарҳисобни. Бу йигитни алоҳида мактабиман. Кейинги беш-олти йил ичида адабиёт шиддат билан кириб келди. Хай-вонот олами ҳақида кичик-кичик нарсалар: олқорлар, кийиклар, ўрмон ҳайвонлари, хашоратлар ҳақида ёзди. Қувондим. Бизда илгари хайвонот дунёси ҳақида атиги битта китоб бўларди. 60-йиллари Ёқубжон Шукуров Бянкидан таржималар қилганди. Шунки қайта-қайта ўқиб юраддик. Ўтган йиллари Анвар Обиджон хайрли ишга қўл урди. Хайвонот, ўсимлик дунёси ҳақида кичик шеърли китоб чиқарди, лекин прозаимизда шунга ўхшаш асарлар ёзилмаётганди. Қишлоқ болалари ҳаёти ҳақида ҳеч нарса йўқ эди. Мисол айтмай-да энди! 2004 йили илтимос ва топшириқ бўлдики, Тошкент вилояти тадбиркорлари, фермерлари, меҳнатқашлари ҳақида китоб ёзинг. Вилотда 18 та туман, иккита шаҳар бор экан. Ўша масканларни қўлдан келганча айландим. Қишлоқларга борсам, далаларда ёшлар ишлаяпти. Кўпи лицей-коллекларни битирган, мустақил ҳаётга қадам қўйган йигит-қизлар. Уларнинг олдига бориб, "Келинлар, болаларим, бир суҳбатлашайлик! Қани, ким қандай китобларни ўқиди?" десам, улар мендан "Қанақа китоб чиқаряписизлар ўзи?" деб бир-бирига қарайди. Галати бўлиб кетдим... Бошқа туманларга бориб, у ердаги ёшларга ҳам бояғи саволимни такрорласам, "Дарслик ўқиймиз" дея узуқ-юлуқ жавоб беришди. Китобни ёзиб тугатдим. "Янги оҳангда қўйлаётган вилот" номида чиқардим. Чоп эттирдим. Йиллик мукофотни ҳам беришди, лекин ишимдан кўнглим тўлмади. Қойил қиладиган китоб ёзмаганимда! Мен чинакам, катта ҳаётни эмас, онда-сонда учраб турадиган воқеаларни ёзгандим.


— Беморга ташхис қўйилаётганда касаллигининг сабаблари ҳам обдон ўрганилади. Шифокор дардга давони шу йўл орқали қидиради кўпинча. Китобхонлик пасайиб кетди, дедингиз. Сабаб нимада?

— Менимча биринчи сабаби — мавжуд адабиётларнинг лотин ёзувига мадал ўтирилмаётгани. Адабиёт муаллимлари масъулиятдан қочгани, фа-

сўзларми ёки чиرويли сўзларми, ҳаммасини синчиқлаб кузатардим. Аста-секин сўзлардаги гўзаллик йўқолиб, ўрнини схемадаги сўзлар эгаллади. Кўз ўнгинда тилга путур етса, қолиплашиб бераверса, сўз жозибаси, ла-тофати йўқолса, қуйиб кетаркансан. Уч йилдан буён 2-, 3-, 4-, 5-, 6-синф болаларига "Худойберди бобом меҳмонда" тадбирини ўтказаман. Бошлангич синфда ўқиётган болаларнинг сўз бойлигини ўргандим. Мақоллар мағзини чақамиз, деб мақоллар китобини бераман уларга ёки "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"ни. Неча мингдан ортиқ сўзимиз бор. Бирок болалар 1200—1400 сўздан ортигини билмайди. Бир маҳаллар Алибек Рустамов алам билан армонли гапни айтганиди: "Керак бўлса, тўрт юз минг туркий сўзга таъриф бераман, лекин бугун мен мана бу болалар билан гаплашсам, соқов болалар билан гаплашгандек бўламан". Болалар билан доимий мулоқотдаман. Боя айтганимдек, уларга мақол бериб, мағзини айтишларини сўрайман. "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир". Қани, болалар шунки бир таърифланглар, дейман. Гун-соқовдек ўтиришади. Ўроқ нима, машоқ нима, хирмон нима, билишмайди. Ахир, булар халқ бойлиги-ку! Ёки бўлмасам: "Ҳар киши ўз кўнчига кул тортади". Вай, онасиям, отасиям билмайди мақолнинг маъно-мағзини. Кўмом нима, дейди. Ота-буваларимиз саҳроий биёбонда яшаган, саёхатлар қилишган. Улар йўлда қозон-ўчоқ кўтариб юришмаган. Оловни гуриллатиб ёқиб, чўғининг тағида овқатини пишириб, еб, чўғ устига қулини тортиб, йўлга кетареган. Фарзандларимизда сўз бойлиги йўқ. Негаки, эртақ, ривоят, шеър ўқимади! Боболар ва буви-лар билан суҳбатлашмайди. Оилаларда суҳбат йўқолиб кетаяпти! Ўша суҳбатларда боболардан, бувилардан янги сўзлар эшитиларди. "Бир қатим ипингдан бериб тур", дейишади. Бир қатим нима дегани? Ҳозир ўзини замонавий деб биладиган ота-онадан сўранган, биларимкан? Кеч бўлдимки, дам оладиган пайтда ҳамма ўз хонасида, ўз юмуши билан андармон. Қўлдан телефони, алламбало қурилмаси тушмайди. Пешонаси телевизорга ётишиб қолади.

— Буларнинг бирор ечимини, мақбул чораси борида?

— Оилада китобхонлик йўлга қўйилмас экан, сўз қашоқчилигини тўхташолмайси. Ўқилган китоблар ҳақида ота-она, болалар ўртасида ҳафтада бир оила китобхонлиги мусобақаси ўтказилмас, ҳаракатлар бесамар кетади.



Dildan suhbat

нарли. Чиرويли, ўқийдиган асар ёсанг, ким кўксингдан итарайди. Ўқувчининг ўзи топади, керак бўлса! Бизда қанча захиралар турибди ёзилишни кутиб. Қадриятларимиз-чи? Томтом асарларга сиққулик! Овруподан келаятган ёт қадриятларни тўсиш учун ўзимизники етарли.

Оилаларда ота-она-бола китоб ўқисин. Масъулиятини ота билан она бўйнига олсин. Топаятган пулидан маълум қисминини боласига китоб олиб беришга сарфласин. Бу бир томони. Иккинчи томони болалар ёзувчисига тегишли: чинакамига болалар ёзувчиси бўламан деса, аввал болалар дунёсига кирсин. Топадан қарашни бас қилсин! "Мен болаларни қойил қиладиган асарларни ёзаёман", деган пуч фикрдан қайтиб, самимий, рост асарларни ёзсин. Тўғри, ҳозир шовуллашиб ёзаётганлар бор, лекин бирортаси бола қалбига йўл тополмаяпти. Бунинг учун аввало, бола бўлиб туғилиши керак. Қуддус Муҳаммадий бола эди, Марк Твен, Жонатан Свифт бола эди. Катта бўлсаям, фахрли жойларда ўтирсаям бола эди улар. Шунча йилдан бери ёзаётганимда ўз қондаларимга қатий аман қилдим. Энг аввал, бола ёшида бўлиш, ўша боладек суҳбатлашиш, ўйлашга уриндим. Кейин қалбни тоза сақлаш керак. Шунда фикр тиник, сўзлар раван чиқади. Болани алдамасликка, унинг оламининг тасвирлаётганда тенгдошларини мукамал тасвирламасликка интилдим. Негаки, бола ўзидаги камчиликларини билан бетакор. Камчиликларини англаётган бола саргузаштлар ичига кира олади.

Учинчи йўл нашриётларга бориб тушади. Пул билан китоб чиқаришни таққиллаш керак. Сўнг, чет элдан олинган таржималарни қамайтириш вақти етди. "Бировнинг боласини бирорнинг отаси тарбияламасин", деган гап юради. Нашриётлар энг осонини — эртақ бошини дастак қилди-қўйди. Бунинг афзал тарафлари кўп-да! Эртақ таён нарса, ҳамма нарсаси бадастир. Формати ҳам рисоладагидек, айни босмахонага мўлжаллангандек. Таржимани истаган кишига беради. Мўқовасини тайёрлаш муаммо эмас. Ичи тўла расм. Рассомга пул тўлаб, суврат чиздирмайди. Ҳамма ишини компьютерда баҳараваради. Лекин буни биз тўхташолмаймиз. Бунда Президентимизнинг фармойишидан фойдаланиш керак. Болалар ичида ўтираман. Йилгаим келади. Лекин ҳаммасини яхши кўраман. Битта бола йўлса, мен йилгаиман, бири кулса, мен куламан. Ичим тўла гап. Ҳаммасини яитиб улгурмайман. Лекин бир нарсага хурсандман, буюқ миллатимиз, истеъдодли, иқтидорлилар анчагина ичимизда. Тўғма талантлар бор экан, муаммоларимизга йўл очилса, ажабмас...

Чарок НИЗОМИДДИНОВА суҳбатлашди.

Китобхонлик сабоқлари

Ўқув йили якунига етиб, таътил мавсуми бошланган шу кунларда барча таълим муассасаларида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, адабиётга қизиқишини ошириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Қумқўрган туманидаги 1-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси Дилфуза Алиқулова ҳам 3-синф ўқувчилари учун китобхонлик машғулотини ташкил этди. "Китобим — офтобим" мавзусидаги машғулот байрамона руҳда ўтди. Болалар адиб ва шоирлар ҳақида маълумотлар билан танишди, ўқиган асарлари ҳақида таасуротларини айтиб беришди, севимли китобларидаги ижобий, салбий образларни таққолашди. Қувонарлиси, тадбирда ота-оналар ҳам фаол иштирок этди.

Пойтахтимиздаги 324-умумтаълим мактабида ҳам шундай тадбир ўтказилди. Ўқув йили якунида ташкил этилган машғулотда ўқувчилар таътилда мутулаа қилиш мақсадида бадий адабиётлар билан таништирилди. Тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Соҳида Жавашевнинг китоб графикасида оид маълумотлари ўғил-қизларда қизиқиш уйғотди.

Шоира БОЙМУРОДОВА

“Энг “Ma'rifat” парвар муштарий” танлови ғолиблари

Замонавий ўқитувчи энг илгор педагогик усуллар, интер-фаол методларни яратиб, уни ҳамкасблари билан ўртоқлашиш асносида ёш авлоднинг сифатли таълим-тарбия олишига ўзига хос ҳисса қўшиб боради. Тахририятимиз томонидан ўтказиб келинаётган “Энг “Ma'rifat” парвар муштарий” танлови ана шундай ўқитувчиларни аниқлаш, рағбатлантиришга қаратилган.

Хабарингиз бор, ҳар фасл якунида газетамизда чоп этилган таълим-тарбия соҳасини юксалтиришга оид долзарб мақолаларга ўз муносабатини билдириб, таълим-тарбия, ўқитиш тизими ва мазмунини бойитиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этишга куюнчақлик билан ёндашаётган муаллифлар аниқлаб олинади. Улар ўз мақолаларида фарзандларимизга сифатли таълим бериш, маънавиятини юксалтириш, жамият тақдирига дахлдорлик туйғуси билан улғайтириш борасида аниқ тавсиялар, ҳаётий тажрибаларни илгари сурган. Куйида танловнинг навбатдаги ғолиблари билан танишасиз.

Март ойида:

1. **Хосият СУВОНОВА**, Шайхонтохур туманидаги 59-ИДУМ ўқитувчиси, “Тома-тома кўл бўлур...” мақоласи (2017 йил 11 март, 20-сон) учун.

2. **Орзигул ҲАМРОЕВА**, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси, “Ўқувчи сўзни ҳис қилсин” мақоласи (2017 йил 11 март, 20-сон) учун.

Апрель ойида:

1. **Шахло ҲАМРОЕВА**, БухДУ қошидаги академик лицейи ўқитув-

чиси, “Билими зўр, амалда эса...” мақоласи (2017 йил 5 апрель, 27-сон) учун.

2. **Назокат РАҲМОНОВА**, Узун туманидаги 20-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, “Сўзни ҳис этиш сабоқлари” мақоласи (2017 йил 5 апрель, 27-сон) учун.

3. **Башорат БАҲРИДДИНОВА**, Алишер Навоий номидаги ТошДУТАУ доценти, “Ўқувчини, аввало, фикрлашга ўргатайлик!” мақоласи (2017 йил 15 апрель, 30-сон) учун.

4. **Норали ХУДОЙНАЗАРОВ**, Ангор туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси, “Фонетик ва грамматик минимум уни қандай белгилаш керак?” мақоласи (2017 йил 15 апрель, 30-сон) учун.

Май ойида:

1. **Мохигул ТОШМУРОДОВА**, Жаркўрган туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси, “Насихат дафтари” ўқувчиларни иноқлаштиришга ёрдам беради” мақоласи (2017 йил 17 май, 39-сон) учун.

2. **Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ**, Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Тошкент ислом институти ўқитувчиси, “Қизиқувчанлик фожиаси” мақоласи (2017 йил 17 май, 39-сон) учун.

3. **Омонулла МАДАЕВ**, филология фанлари номзоди, доцент, Шарофат ТОШМИРЗАЕВА, ХТВ тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси, “Айни муддао” мақоласи (2017 йил 17 май, 39-сон) учун.

Танлов ғолиблари “Ma'rifat” газетасига 2017 йил учун тахририят ҳисобидан бепул обуна қилинади. Шу муносабат билан муаллифлар обунани расмийлаштириш учун зарур бўладиган куйидаги ҳужжатларни тахририятга тақдим этишлари лозим:

паспорт нусхаси;
СТИР(ИНН) нусхаси;
почта манзили ва телефон рақами.
Сўралган маълумотлар тахририятнинг куйидаги почта ёки электрон манзилига юборилишини сўраймиз:
100083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй;
e-mail: info@marifat.uz

Амалга ошаётган тилак

Ҳеч биримиз орзусиз яшолмасак керак. Умримизни безайди улар. Бири ушалса, иккинчиси навбатга туради — бир-бирига занжирдек улашиб кетаверади. Якунига етган ҳамдуна йили йўқотишлар баробарида топилмалар, ўзгаришлар йили бўлганди. Декабрнинг уқлар қорли кунларига кимнингдир нияти рўй-рост амалга ошди, бошқасиники кўкламга, ё тафти баланд саратонга қолди. Яна бошқасиники ўн икки ойга сочилди...

Йил бошида тилак тилагандим: халқ билан чинакамига мулоқоту кўксимизда яширин ишончининг қайта кўз очилиш бардавом бўлсин, деб. Шукр, ўтган фурсат ичи ўша тилаклар аста-секин рўйбга чиқаётди, атрофимдаги яқинларимнинг маннун, гулгун чеҳраси эса дилга илқилик беради. Қувонгимнинг боиси, халқ ичида менинг онам, укам, синглим, турмуш ўртоғим, фарзандларим бор. Агар онамининг кўзида ёш айланса, тadbиркор укамнинг ишлари чалпага кетса, фарзандларим таълимда оқсаса, хотиржам яшаш муимкинми?! Йўқ,

бу фақат бизнинг водий, оиладагина эмас, 32 миллионлик улкан халқнинг кўргулиги бўлади. Қадим замонлардан қолган қоида бор — халқ ўтаётган умридан рози яшаса, фарзандларининг эртасидан кўнгли хотиржам тортса, мамлакатиде одиллигу адолат бош мезон деб ҳисобланса, ўша юрт энг демократик, инсонпарвар давлатдир. Ўтаётган йилда бизнинг, фуқароларнинг манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя этилаётгани, хотирминик жамлиги, ниятларимиз улканлиги юракка қувват бағишлайди.

Муқаддас ЙўлДОШЕВА,
Риштон туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси



“Faslning eng yaxshi ijodkori”

Танишинг: баҳорнинг ғолиблари

Бутун борлиқни яшилликка бурқаб, барчамизни гўзалликка ошно этган баҳор фаслининг сўнги ойи билан ҳам хайрлашдик. Илҳомбахш фаслда педагоглар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларимизнинг фаолиги сабаб газетамиз саҳифаларида кўпайиб долзарб мавзуларда таҳлилий-танқидий, мулоҳазали мақолалар, таълим-тарбияга оид амалий тақлифлар, ўқишли бадий асарлар, таржима материаллари бериб борилди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият олиб бораётган педагогларга дарс жараёнида асқотадиган услубий тавсиялар, дарс ишланмаларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Тахририятимиз томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Faslning eng yaxshi ijodkori” танловининг 2017 йил баҳор фасли (март, апрель, май) ғолиблиги учун ана шу материаллар муаллифлари асосий даввоғарлар сафида бўлди. Албатта, уларнинг ичиндан энг муносиблари сараланди ва ғолиб дея эътироф этилди. Ғолибликни кўлга киритган ижодкор муштарийларимизга, илгор педагог муаллифларимизга самимий миннатдорлик билдираемиз. Уларни муваффақият билан табриқлаб, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

Танлов номинациялари	Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Ғолиб муаллифлар
“Энг яхши мақола”	Ўтмишни бўрттириб талқин қилиш ҳаққоний воқеликни ўзгартиролмайди, бироқ... (29 апрель)	Анатолий Сағдуллаев, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, тарих фанлари доктори
“Оригинал бир соатлик дарс”	Наврўз йўлакчаларидаги саёҳат дарси ўқувчилар қалбида миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини янада оширди (11 март)	Комила Ражабова, Навоий шаҳридаги 11-ИДУМ ўқитувчиси
“Сермазмун саҳифа”	Каттақўрғондан Берлингача (29 апрель)	Ҳасан Карвоили
“Энг яхши очерк ёки эссе”	Лида чеча (8 апрель)	Исҳоқ Исмоилов, Галлаорол туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси
“Педагог-муаллифнинг долзарб материал”	Фикрлар хилма-хил, аммо ишло барқарор бўлсин (26 апрель)	Равшан Жомонов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни кўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридеги мукофот билан тақдирланади.		
“Қизиқарли интервью, сўхбат”	Янги маънавий-мафҳуравий таҳлиллар уларга қарши курашишда асосан миллий тарбия усулларимизга таянишимиз зарур (15 март)	Отабек Бозоров
“Жозибали сурат”	Ўзбекистон терма жамоаси 1-ўрнида! Шаҳмат бўйича Осиё чемпионати жараёнидан лавҳалар (5 апрель)	Бурҳон Риёқулов
“Самарали методик материал”	Она меҳри менинг тафтимдан кучлироқ (4 март)	Хулқарой Қосимова, Балқич туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
“Тарбияга оид амалий тақлиф”	Мутолаа — малҳам (12 апрель)	Камола Аҳмедова
“Ўқишли бадий асар”	Тозагул чечам (29 апрель)	Баҳодир Нурмуҳаммад
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни кўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридеги мукофот билан тақдирланади.		
“Воқеликка муносиб шарҳ”	Академик лицей фаолияти тақомиллаштирилиши зарур (24 май)	Исроил Жўраев, Исмоил Саломов, Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 2-Қоровулбозор академик лицейи бош ўқитувчиси
“Ўзига хос янгилик”	Билимлар беллашуви янги тартибда ўтказилди (25 март)	Сафарали Ҳамроев, Республика таълим маркази бўлим бошлғи
“Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши”	Қаламширмунчоқ (15 март)	Наргиза Шодмонова, Ўзбекистон Миллий университети талабаси
“Энг сара таржима материал”	Кутубхоналарнинг фойдаси (13 май)	Маҳмуд Саъдий
“Мазмуни таълимий бошқотирма”	Ноанъанавий усуллар ўқувчининг математик билимининг бойидади (3 май)	Қўнимурод Даминов, Яқкабоғ туманидаги 3-мактабнинг математика ўқитувчиси
“Энг яхши репортаж”	Еттинчи дово орта қолди “Баркамол авлод — 2017” спорт ўйинларидан репортаж (31 май)	Зоҳиджон Холов, Абдусаттор Солиқов
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни кўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридеги мукофот билан тақдирланади.		

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

Кейинги пайтларда матмавий ахборот воситаларида чоп этилаётган материалларни кузатар эканман, кимдир ёшларимиз китоб ўқимай қўйганидан ташвишга тушиб мулоҳаза юритса, яна кимдир бунга жавобан: "Хозир — ахборот асри, электрон муталаа ёшлар учун қулай", деб таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, биргина телевидение ўзининг юзлаб каналлари билан оламимизни қуршаб олгани, ижтимоий тармоқлар эса ҳаттоки тунларимизни ҳам "забт" этаётгани сир эмас. Бироқ ахборот олишнинг тезкор турлари ва усуллари қанчалик кўп бўлмасин, китобнинг ўрнини ҳеч бири боса олмайди. Муталаанинг гашти бўлакча. Шундай китоблар борки, қайта-қайта варақлаб, такрор-такрор ўқиганинг сари бебаҳо қувватидан руҳий оламнинг бойи, осойиш топаётганини ҳис этасан.

Қизимнинг шахсий кутубхонаси

тенгқурларида ҳам китобхонликка ҳавас уйғотмоқда

Президентимизнинг "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тизуш тўғрисида"ги фармойиши педагог, она сифатида мени жуда қувонтирди. Кўнглимда бу хайрли ишга имкон қадар ҳисса қўлиш ниятини уйғотди. Менимча, ҳалқимиз, хусусан, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришда шахсий кутубхоналарнинг ўрни катта. Дарс жараёнида ўқувчиларимга шундай бебаҳо манбага эга бўлиш нечоғлик муҳим ҳаётий зарурат эканини ўқитишга ҳаракат қиламан. Биринчи навбатда, Конституцияимизнинг шахсий жавонлардан ўрин олиши шартини қўйганман. Шу тарихқа ҳуқуқий, тиббий, бадий китоблар вақти-вақти билан харид қилинганда, у албатта, ўқилганда йил ўтмай, кишида китобга меҳр ҳамда мўъжаз кутубхона "дунёга келади".

Бир куни 2-синфда ўқийдиган қизим жавонни тартибга келтирар экан, "Шахсий кутубхонам учун", дея имзом чекилган китобларни кўриб, "Ойижон, мен ҳам шахсий кутубхонамни ташкил этсам бўладими?" дея сўраб қолди. "Албатта, бўлади эмас, балки шарт! Бунинг учун мен кутубхонамга дастлабки китобларни ҳада этаман ва шу тариха секин-аста шахсий кутубхонамни бойитишга ҳаракат қиламан", дедим. Эртаси куни "Болалар энциклопедияси", "Менинг биринчи китобим" туркумидаги тўпламларни, бир неча эртак китобларни соғва қилдим. Йил ўтмай, қизимнинг шахсий кутубхонасида ўттизга яқин китоб жамланди. Асосийси, у ҳозир ҳар бир китобни қизиқиш билан ўқиб, уйимизга келган меҳмонларга китобларини кўрсатади: "Менинг кутубхонамга аъзо бўлинг, бунинг учун биттадан китоб ҳада қиласиз ва истаган китобингизни олиб кетиб ўқишингиз мумкин. Сизнинг шахсий кутубхонангиз бойишига мен ҳам шундай ҳисса қўшаман", дейди. Шу тариха қизим қариндошларимизнинг уйларида ҳам шахсий кутубхоналар "яратилиши"га туртки берди. Қизимнинг китобга меҳрини кўрган опалари, холалари, ўртоқлари турли байрам ва тўғилган кунинда унга китоб соғва қилиши одатга айланди. Бу анъанага гувоҳ бўлаётган ўғлимда ҳам китоб ўқишга қизиқиш уйғонди.

Биз тез-тез оилавий китоб дўконига бориб турамиз ва шу кун руҳиятимизга байрамона кайфият ошу бўлади. Харид давомида ҳар ким ўз шахсий кутубхонасини тўлдиршига ҳаракат қилади. Биз, албатта, болаларимизга китоб танлашда ёрдам берамиз. Зеро, В.Юго ёзганидек, "Китоблар жонсиз, аммо содиқ дўстлардир".

Раъно ТУРДИБОВЕВА,
ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди, доцент

Болалигимни эсласам, ширин хотиралар кўз ўнгимда жонланаверади: қишлоғимизда Ҳасан бобо деган киши бўларди. У мактабда қоровуллик қилар, билим даргоҳи уйимизга яқин жойлашгани босиб, отахон зерикканидан кечки пайтлари баъзан бизникига келарди. Одатдагидек ҳар гал қўйнидан эски газетага ўралган китобларни олиб, гирашарда чирок ёруғида муталаага берилиб кетарди. Жон қолоғимиз билан уни тинглар, қахрамонлар оламига шўнғиб кетардик. Кўзлардан уйку учар, тун ярим бўлганини сезмай ҳам қолардик. Ҳасан бобонинг мактабга қоровул бўлиш навабти келишини кутардик. Энди эса бобони қалбимизда чукур ҳурмат билан ёдга оламиз. Негаки, ҳаётда қоқилмай, суринмай ўз ўрнимизни топшишимизда ана шу инсоннинг юрагимизда китобга меҳр-муҳаббат уйғотгани катта таянч, қувват бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Бугун қишлоғимиздаги касб-хунар коллежиде ёшларга рус тилидан сабоқ бераман. Ўқувчиларим ҳар хил оила фарзандлари: кимдир тадбиркорнинг ўғил-қизи, кимнингдир отаси ишсиз,

онаси уй бекаси. Аммо кийиниш борасида бир-бириндан қолишмасликка астойдил уринади, айниқан, мобил телефонлари борасида ортда қолиб кетмаслик шарт. Уларни куч-қувват билан қўриқиб, фарзандларини

қимматбаҳо кийим-кечак, бўюмлар билан таъминлаётган ота-оналар китоб олиб беришни нега ўйламай қўйди, деган хаёлга борасан, киши. Оилада ота-она бадий китоб ўқимаса, болалари ҳам

Китобхонликка ундаётган ўқувчилар

"Китоб — қудратли қурол. Кўтаринки руҳ билан ёзилган китоб кўпинча инсон тақдирини ҳал этади", деб ёзган эди педагог олим В.Сухомлинский. Дарҳақиқат, муталаа орқали фарзандларимизнинг дунёқараш кенгайди. Ёзма ва оғзаки нутқи ривожланади.

Буни кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятимда бир неча бор кузатганман. Мактабимизда узлуксиз тарзда ўтказиб келинаётган "Энг яхши китобхон", "Чоракнинг энг яхши китобхони", "Йилнинг энг фаол китобхони" кўрик-танловлари ўқувчиларимизнинг бадий адабиётга қизиқишини ошириш баробарида, таълим-тарбиясига ижобий таъсир этапти.

Синфлараро ташкил этилаётган танловлар душанбадан шанбага қадар ўқилган китобларнинг сони ва уларнинг мазмун-моҳиятини нечоғлик тушуниб, идрок этилганини баҳолаш тарзида олиб борилаётди. Худди шундай ҳар чорак ва ўқув йили якунида ҳам голиблар сараланади. Талабларга кўра, пешқадамликка даввоғар муталаа қилган асари хусусида мустақил мушоҳада юрита олиши, атрофдаги дўстлари, оила аъзолари, хусусан, ота-онасини ҳам шу китобларни ўқишга ундаши керак.

Муҳтарам ЭРҒАШЕВА,
Нурота туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси



Toshkent shahri
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.
"Ma'rifat" gazetasini lahririyatiga
E-mail: info@marifat.uz

Китоб — қалб чироғи, тафаккур қаноти. Айниқса, босма китобдан таралаётган ўзига хос ёқимли ҳидни туйиб, варақлаш асосида мўъжизавий саҳифаларнинг шитир-шитирдан кўнғил завққа тўлади. Сўнг унинг мазмунини ҳақида тенгдошлар билан фикрлашиш... хузурили. Шуларни ўйлайману, ота-оналар фарзандини китоб дўконларига олиб бориши, китоб соғва қилиши одатга айлантириши керак, деган фикрга келаман.

Айниқса, болаларга китоб тавсия этишдан олдин унинг мазмунини, мавзу қўлами ва тарбиявий аҳамияти ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Китоб ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон руҳиятини сеҳрлайдиган, қувнатадиган бўлиши ва энг муҳими, мазмунли хулосага ундаши керак. Ана шунда китоб ўқиган ва ўқиманган болалар ўртасида фарқ тез-

қайнонам Норсулов момо бу иборани бот-бот такрорларди. Ўзи кўп йиллар мактабда она тили ва адабиётдан дарс бергани учун фарзандлари ва набираларида бадий адабиётга қизиқиш уйғотишга алоҳида эътибор қаратарди. Баъзан "Бола тарбияси жуда қийин, ўғил-қизларимиз гапимизга кирмайди" каби зорланишларни эшитсам, қайнонам бизга жуда катта мерос — тажриба мактабини қолдириб кетганидан мамнун бўламман. Чунки китоб ўқилган хонадон фарзандлари ҳеч қачон ота-онасини ранжитмайди. Аксинча, руҳиятингизга қувват бўлгулик фикрлари билан кенгайди. Ёнингизда туриб, мушкул ҳолатлардан чиқишингизга ёрдам беради.

Ибрат — тарбиянинг жавҳари

Қайнонамнинг ўзига хос кун тартиби бор эди: куннинг маълум вақтида набираларини атрофига йиғиб, эртак, дostonлар ўқиб бераар, хафа юрганларини кўрса, латифалар айтарди. У киши ўргатган тез айтишлар болаларимнинг тилини раво қилишга ёрдам берди. Ўғил-қизларимнинг сирдошимга айланиб, аъло баҳоларга ўқиши, бир гапни ўн марта ўйлаб сўнг сўзлаши — ҳаммаси қайнонамнинг ўғитлари махсулидир.

Ишдан қайтаётган кўпинча дарвоза олдида уч-тўртта бўлиб сериални муҳокама қилаётган аёлларни кўрсан, уларнинг беҳуда ўтаётган вақтига ичим ачийди. Болалари билан китоб муталаа қилиш у ёқда турсин, ҳатто дастурхон атрофида сўхбатлашиб, ўқишни суриштириш хаёлига келмайдиганлар ҳам бор улар орасида. Оиланинг катталари қандайдир сериалларга ўралашиб, айрим газеталардаги олди-қочди гаплардан ўзига руҳий тасалли олар экан, муталаага ундов бирёқлама ҳаракатлигича қолаверади.

Гулзода ОЧИЛОВА,
Пахтачи туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси

Ўғил-қизлар ёқтирган саргузашт асарлар, эртак ва ҳикоялар, шеър ва дostonлар асосида мультфильмлар яратиш мақсада мувофиқ.

Ота-оналар болалар учун уйда китоб жавонлари ташкил этиши, китоб дўкони ва кутубхоналарга тез-тез олиб бориши, китоблар соғва қилиши жуда муҳим. Китоб — болалар учун кўзгу эртани келажagini ёритувчи машғала бўлмоғи ло-

Болалар учун кўзгу

лан ўзини кўрсатадиган, баланд овозда ёқимсиз сўзлайдиган, фанларни ўзлаштириши суств ва муаммолари керагидан ортиқ бўлади.

Болаларни муталаага қизиқтириш учун турли қизиқарли ўйинлар, савол-жавоб, тестлар, социологик ва психологик сўровлар, онлайн мулоқотлар ташкил этиш, форум ва акциялар ўтказиш орқали рағбатлантириб бориш китобга муҳаббатнинг ошишига хизмат қилади.

Жамиятда чин китобхонлар сафининг кенгайиши, аввало, шахснинг маънавий ва ахлоқий камол топишига, салоҳият ва дунёқарашининг ўсишига, ижтимоий-иқтисодий ҳамда инновацион тараққиётга хизмат қилади.

Мансур ЮНУСОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази бўлими бошлиғи

Ўқилмаган китоблар

ўқимаслиги тайин. Бир доғнишманд айтганидек, фарзандини китоб ўқишга ўргатмаган ота-она аслида уни саводсиз қилиб тарбиялаган бўлади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларга "Охириги ўқиган китобинг қайси?" деган саволни бераман. Сабаби, рус тили фанининг тақвим-маъзувий режасида "Мир книги" ("Китоблар дунёси") номли мавзу бор. Афсуски,

ўқувчиларнинг аксарияти, ҳатто ўзбек тилида ўқиган бадий китобларини ҳам айтиб беролмайди. Ёшликнинг бетакрор имкониятлари қучоқ очиб турган бир пайтда китоб ўқимаслик олтинга тенг фурсатларни йўқотиш демакдир.

Хайрулла ЖУМАЕВ,
Олот қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Қадимий белгилар, ёзувлар устида изланишлар олиб бораётган антрополог олимлар Перудаги горларнинг бирида қоятошларга ўйиб ишланган ғаройиб суратларга дуч келишди. Инк қабиласига тегишли бўлган бу расмларни синчиклаб ўрганган олимлар қадимда инсонлар ва динозаврлар ёнма-ён яшагани ҳақидаги фикрни илгари сурдилар.

Яна бир қизиқ томони, суратларда акс этган одамларнинг буй-баста динозаврларники билан бир хил ўлчам-далиги эди. Тадқиқот натижаларини умумлаштирган олимлар қадимда улкан судралиб юрувчилар билан бир даврда гигант-одамлар ҳам яшаганлигини таъкидлади.

Бундай топилмалар дунёнинг турли бурчакларидан, масалан, Мексика, Пенсильвания, Марокаш каби кўплав давлат ва шаҳарлар худудидан қазиб олинган. Австралияда олиб борилган қазилма ишларининг бирида антропологлар тошга айланган тиш қолдиқларини топшига муваффақ бўлган. Бу улкан тиш суяги одамга тегишли бўлиб, эгасининг буйи 7–8 метрлар атрофида бўлганидан дарак беради. Тахлиллар натижасида топилманинг ёши 9 миллион йилга тенг экани қайд этилган. Бу каби гигант тошсуякларга Туркияда ҳам дуч келинган бўлиб, улардан бири 120 см.лик оёқ суяги эди. Суякларнинг компьютерда тикланган модели орқали оёқ эгасининг буйи 5 метр бўлгани аниқланган.

Буни қарангки, аждодларимизнинг гигант-одамлар бўлганини исботловчи топилмалар қаршисида лол қолган олимлар учун яна бир жумбоқ ўз ечимини топгандай бўлди. Улар узоқ йиллардан буюн кўпчиликни қизиқтириб келаётган улкан ва маҳобатли қадимий обидлар (Миср эҳромлари, Сфинкс каби) ҳозиргидай техникалар бўлмаган даврда, айнан шундай инсонлар томонидан барпо этилган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: гигант-одамлар ҳозир ҳам борми? Улар қадимги аждодларидан нима си билан фарқ қилади?

Тўғри, бугун орамизда гигант одамларнинг кичрайган вакиллари озми-кўпми учраб туради. Энделикда гигантизм жиддий касалликлар белгиси сифатида намоеён бўлмоқда, яъни у одам бўйининг патологик ўсишидир. Бу касаллик гипофиз безининг соматотроп гормони фаолияти бузилганда юзага келади. Оқибатда, буй чўзилиши билан бирга, тана тузилиши ўзгаради, унинг мутаносиблиги бузилиб, юз суяклар, айниқса, жағларнинг ўсиб кетиши кузатилади.

Гигантларнинг авлодлари

Дарозлар тана тузилиши билан қадимги гигант одамларни эслатади: гавдаси ниҳоятда йирик, кўллари узун. Уларни кўрган киши, беихтиёр лилипутлар шаҳридаги Гулливерни эслайди. Ачинарлиси, уларнинг аксарияти қатор касалликлардан азият чеккан. Тўғма патология билан туғилган бу одамлар ёрдамчисиз ёки кўлтиктаёқсиз ҳаракатланишга қийналган ва уларнинг кўпчилиги

қиска умр кўрган.

Шундай инсонлардан бири Бернард Койн бўлиб, унинг буйи 2 метр 49 см.ни ташкил этган. Буй ўсиши унинг умри охиригача давом этган бўлиб, ҳаётининг сўнгги кунларида 2.53 метр эканлиги қайд этилган. 1897 йилнинг 27 июлида АКШнинг Айова штатида туғилган Бернард Койн 23 ёшида вафот этган.

Гигантизм ва нанизм


ёхуд «дев» ва «пакана»лик сирлари хусусида

Гигантизм билан оғриган яна бир инсон Дон Келер бўлиб, у 1969 йилдан буюн дунёнинг энг новча кишилари қаторида эътироф этилган. У ўн ёшидан ғайритабиий тарзда ўса бошлаган. Қизиги, унинг эгизак опасининг буйи меъёрида бўлган ва улар бўйларидаги катта тафовут туфайли «Гиннесснинг рекордлар китоби»дан жой олган. Дон 1925 йилда туғилган ва 59 ёшида ўткир юрак етишмовчилиги туфайли оламдан ўтган. Охириги йилларда унинг буйи 249 см бўлгани маълум.

1881 йилда туғилган канадалик Эдуард Бопре ҳам гипопизининг гиперфаолигидан азият чеккан. Бироқ 251 см бўйли бу инсон бошқа гигант шерикларидан фарқли равишда, узунлигидан фойдаланиб мўмай даромад ҳам орттирган. У бўйининг узунлиги қайси соҳада асқотиши мумкинлиги ҳақида бош қотиради ва бунинг йўлини ўйлаб топади. Циркда тош кўтариш, рингда кураш билан шуғулланиб, ўзини моддий жиҳатдан тиклай бошлаган Бопре 23 ёшида сил касаллигидан вафот этади. Улимидан сўнг, унинг дориланган жасади Монреал университетининг тиббиёт факультети учун экспонат сифатида топширилди. 1990 йилга келибгина, узоқ давом этган тортишувлар ва суд жараёнларидан сўнг жасад университет ихтиёридан чиқарилиб, Бопренинг ватани бўлмиш Уиллоу Банч шаҳарчасида дафн этилади.

Леонид Стадник 1970 йили Украинада туғилган. Ундаги аномал ўсиш 12 ёшдан – бош миёда ўтказилган операциядан кейин кузатилган. Буйи 253 см.га етган Стадник умрининг охириги йилларида ҳаётларининг ёрдамчисиз ҳаракатлана олмай қолади. У миёга қон қуйилиши оқибатида 44 ёшида вафот этган.

Жо Роганнинг туғилган йили тахминан 1865–1868 йиллар ораллигида деб юрийтилади. Бундай ноаниқликнинг сабаби, Роган хизматкор-қулнинг 12-фарзанди бўлиб, унинг туғилган йилига унчалик аҳамият қаратил-



маган. 268 см.ли Роган ягона қора танли дароз саналди. Унда аномал ўсиш белгилари 13 ёшида намоеён бўла бошлаган. Дарозлиги орқали пул топишни ўйлаб топган Жо темирўл станцияларида ўзининг фотосуратларини сотиш билан кун кечирган. Кейинчалик суяк-бўғим касаллигига чалинади, 1882 йилга бориб, кўлтиктаёқсиз ҳаракатлана олмай қолади. Аммо буйи ўша ҳолатда ҳам ўсишда давом этаверади ва 1905 йилда вафот этади.

XX асрнинг энг новча одами Роберт Вадлоунинг бўйи умрининг охириги кунларида ўлганганда 272 см дея қайд этилган. Масонлар ҳаракатининг аъзоси бўлмиш Вадлоу 1918 йили туғилган. У ҳаддан зиёд новчалигига, мустақил ҳаракатланиш қийинчилиги туғдиришига ва саломатлигининг заифлигига қарамай, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. Бирок, қонга инфекция тушиши оқибатида (оёқнинг кўлтиктаёқсиз жароҳатлаган жойида) 22 ёшида дунёдан кўз юмади. Дафн маросимида унинг тобутини 12 та одам аранг кўтиради, қабири эса, ота-онасининг хоҳишига кўра, биров жасадни ўғирлаб кетмаслиги учун бетонлаб ташланади.

Замонамизнинг энг новча одами – 1995 йили туғилган Брендан Адамс бўлиб, у АКШнинг Вашингтон штатида истикомат қилади. Унинг буйи 224,8 см. Оддий оиланинг фарзанди бўлмиш Брендан 12 ойлигида уч яшар боланинг тана тузилишига эга эди. Саккиз ёшида эса, катта одам билан тенглаша олиш даражасига етди. Шундан кейин, ота-онаси уни шифокорларга кўрсатишга мажбур бўлди. Боланинг хромосомаларидаги аномал ўзгаришларни пайқаган шифокорлар дори-дармонлар ёрдамида буй ўсишини тўхта-тишга муваффақ бўлди. Бироқ, у яна бир жиддий ҳолатдан ҳамон азият чекмоқдаки, мутахассислар бу жараёни тўхтатиш имкони топа олмаяптилар. Энди-



ликда ҳамма муаммо унинг ўсишдан тўхтамаётган тишларида бўлиб, Брендан охириги икки йил ичида 12 та тишини сугуртириб ташлашга мажбур бўлди.

Инсон ирсияти билан боғлиқ бундай фавқулудда ўзгаришлар уларнинг гигант аждодларга бориб тақалиши эҳтимоли мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Бироқ, XXI асрга келиб, инсоният буйи тобора пасайиб бораётганини кузатаётган олимлар дарозларга қарама-қарши бўлган вакиллар, яъни пакана одамларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини таъкидламоқда.

Паканалик нима? Нега у мутахассисларнинг ташвишига сабаб бўлмоқда?

Тиббиёт тилида нанизм деб юритиладиган паканаликда ҳам гипопиз безининг олдинги бўлаги зарарланиши оқибатида бемор инсоннинг гавдаси ривожланмайди. Ёши ўтиб, юзларини ажин қоплаб, қарий бошласа-да, танаси кичиктойларники каби қолаверади.

Замонамизнинг паканалари Африканинг тропик ўрмонларида яшовчи пигмейлар ҳисобланади. Бу кўчманчи қабила вакилларининг буйи 130–140 см.дан ошмайди. Улардаги паст бўйликнинг сабабларидан бири, гормонал мувозанатнинг тўғма бузилиши бўлиб, буй ўсишига сабаб бўлган нормал одамникига қараганда уч марта кам.

Пакана одамлар тарихида ўчмас из қолдирган шахслардан бири – Люция Зарате

Bilasizmi?

бўлиб, у 1864 йилда Мексиканинг Сан Карлос шаҳрида таваллуд толган. Қўғирчоқни эслатуви бу аёл 17 ёшида 2,2 кило вазнда бўлган. Дунёдаги энг енгил аёл, дея тан олинган Люциянинг буйи 50 см.дан ошмаган.

1997 йилда 36 ёшида вафот этган ҳиндистонлик Гул Муҳаммад 57 см бўйи билан "Гиннесснинг Рекордлар китоби"дан жой олган. Вьетнамлик Во Хай Дао эса, тўрт ёшида безгак оқибатида ўсишдан тўхтаган. Энделикда унинг буйи 85 см.

Ҳайратланарлиси, айна кунларга келиб нафақат инсоният, балки атрофимиздаги оламда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини кўриш мумкин. Масалан, бир неча минг йиллар олдин унумдор тупроқнинг қалинлиги 20–30 метрни ташкил этган. Табиийки, дараклар ҳам бир неча юз метр баландликда бўлган. Ҳозир мавжуд 100–150 метрлик секвой ва

эвкалиптлар қадимги гигант ўрмонларнинг кичик қолдиқлари ҳолос.

Олимлар табиат ва одамларда кузатилаётган бундай пасайишлар атмосфера ҳавосидаги ўзгаришлар билан боғлиқлигини таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, олис ўтмишда ҳукм сурган қулай об-ҳаво шароити инсониятнинг ўсишига ижобий таъсир қилган. Кейинчалик иқлимдаги ўзгаришлар оқибатида инсонлар ҳам "майдалаша" борган.

Қадимда озон қатлами ҳозиргига қараганда анча зич ва қалин бўлган. Бугунги кунга келиб, унинг 1/7 қисмигина қолган, ҳолос. Озон қатламининг бундай сийрақлашуви кўёш радиациясидан ҳимоя қилиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бу ҳолат ўсимликлар, ҳайвонлар ва албатта, одамларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Бундан кўриниб турибдики, олдинда бизни ва табиатни "кичрайиш"лар кутмоқда. Буни ҳаммаюз аллақачон атрофимиздаги инсонлар мисолида кўра бошлаганимиз сир эмас, албатта. Гигантизм ва нанизм ёнма-ён ўрганилаётганлигининг сабаби эса, улар ўтмиш ва келажак билан боғлиқ. Гигантлар инсониятнинг теран ўтмишидан таралаётган акс-садо бўлса, митти одамлар эса, бизни кутаётган минг йилликлардан сўйлаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Наргиза ШОДМОНОВА
тайёрлади.

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР ОЗУҚАСИ

Сан-Антонио шаҳридаги Техас университети тадқиқотчилари ўзга сайёралик микроорганизмлар учун радиация билан нурланган сув энг самарали озуқа эканини аниқлади.



«Phys.org» сайтида келтирилишича, бунинг учун радиолиз жараёнида водород оксидининг парчаланиш ҳодисаси моделлаштирилган. Улар мазкур илмий ишга таяниб, юқоридаги модель фойдали бактерия бўлиши мумкин, дея хулоса чиқармоқда.

Мутахассислар радиолиз пайтида сув ўзидан жонли ҳужайралар учун қувват манбаи бўлган молекуляр водород (H_2) ажратишни таъкидламоқда. Радиациянинг ўзи эса космик объектлар қаърида жойлашган уран, калий ва торий изотопларининг парчаланишидан пайдо бўлади.

Олимларнинг таъкидлашича, Эңцелад (Сатурн йўлдоши), Европа (Юпитер йўлдоши), Плутон ва Харондаги тоғ жинсларининг кимёвий таркиби метеоритлар типига кенг тарқалган хондритларни эслатиб юборди. Бундай вазиятда осмон jismlari радиолиз учун етарлича нурланишни юзага келтириши мумкин.

Модомки, Эңцелад ва Европа океанларида сув борлигига доир жиддий исботлар қўлга киритилганди, демак, бу ерда H_2 ва фаол кислородли бирикмалар ажралаши содир бўлади.

Бактерияларнинг бир қатор тури — бойитилган водород Ерда ҳам мавжуд. Аммо бундай тажрибалар бактерияларнинг каттагина қисми яроқсиз бўлиб, таснифи жиҳатидан қудуқ ёки денгиз сувидан ажралувчи гидротермал булоқлар сувини эслатишни исботлади.

ЭНГ ХАВФЛИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ

Британиялик олимлар ижтимоий тармоқларнинг инсон соғлигига таъсирини аниқлаш мақсадида ўзига хос кузатув олиб бориб, яқунда «Instagram»ни саломатлик учун энг хавфли, деб топди.



Бу хулоса илк бор Британия Қироллигига қарашли RSPH ижтимоий саломатлик маркази ва Ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳаракати вакиллари илмий манбасида қайд этилди.

Тадқиқотга 14—24 ёшдаги 1479 киши жалб этилган ва улар ўртасида ўзига хос сўвровнома ўтказилган. Умумий ҳисобда ҳар бир респондент 14 та саволга жавоб берди. Шунингдек, ёшлардан сеvimли ижтимоий тармоқлари ҳақида сўралиб, ҳар бирини бир неча калит сўз билан белгилаши айтилди. Мазкур сўзлар орасида «ёлғизлик», «депрессия», «ташвиш», «бекорчилик», «пардозланиш» сингари руҳиятга таъсир этувчи ташвишлар бор эди.

Олимларнинг фикрича, ўрганиб қолиш борасида «Instagram» тамаки ва спиртли ичимликлардан кўра хавфли экан. Сўнгги 25 йил ичида мазкур технологик янгиликлар туфайли ёшлар орасида депрессия ҳолати 70 фоизга ошди.



Тадқиқот доирасида энг кўп тилга олинганлар — «YouTube», «Instagram», «Snapchat», «Facebook» ва «Twitter» ижтимоий тармоқлари бўлди. Улар орасида энг ижобий дея баҳолангани «YouTube» бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, у ёшлар онгига позитив таъсир кўрсатаркан. Кейинги ўринлардан «Twitter» ва «Facebook» жой олган. Фойдаланувчилар энг кам «лайк» босган тармоқлар «Snapchat» ва «Instagram» бўлди.

Маълумотларга кўра, 16—24 ёшли дунё aholisining 91 foizi internetga kirib, ijtimoiy tarmoqlardan foydalanadi.

ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛЬ

Буюк Британиянинг «Rolls-Royce» компанияси муҳандислари дунёнинг айни вақтдаги энг қиммат автомобилни яратишга муваффақ бўлди, дея хабар берди Европа наشرлари.

Жумладан, ягона нусхада ишлаб чиқарилган «Sweptail»нинг нархи 12,8 миллион долларга баҳоланмоқда.

Манбада ёзилишича, машина 1925 йилги «Phantom I Round Door by Jonckheere» ва 1934 йилда яратилган 3 та моделни уйғунлаштирган. Буюртмачи ўша даврларда урф бўлган «Rolls-Royce» автокомпаниясига хос услубдаги 2 кишига мўлжалланган, том қисми шишадан ясалган автомобилни ёқтирар экан.

Мутахассисларнинг айтишича, бундай антика том жаҳон машинасозлиги тарихида кузатилмаган. Янгича ёндашув асосида яратилган автомобиль ўғрача (кузов)си қайсидир жиҳати билан яхтани ҳам эслатади. Олд ва орқа томонида қўл меҳнати эвазига алюминийдан ясалган «08» рақами мавжуд. Гарчи компания раҳбарияти улвнинг нархи борасида расмий баҳони кўрсатмаган бўлсада, унинг арзон турмаслигини билдириб қўйган.

ИБТИДОЙ ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ЖОН САҚЛАГАН?

Буюк Британиянинг Кардифф университети олимлари ибтидоий одамларнинг Африка қитъасига жойлашуви ва эволюцияси Шарқий Африканинг Рифт водийлари худудидаги ерости сувлари билан боғлиқлигини аниқлади.

Мазкур илмий тадқиқот тафсилотлари «Nature Communications» журналида батафсил ёритилди. Ер қобиғидаги ёрилишдан юзага келган мазкур Рифт водийси жуда бепоён тизма бўлиб, у Эфиопиядан Мозамбикка қадар чўзилган. Палеонтологияга оид изланишлар натижасига кўра, айнан ушбу жойлар замонавий инсон эволюциясига доир аниқ билимлар манбаидир.

Жараёнда тадқиқотчиларни гоминидларнинг сувсиз ва ҳаддан ташқари оғир иқлимга эга худудда яшаш учун ичимлик сувини қаердан олгани қизиқтириб қўйди. Натижада олимлар Рифт тизмасининг замонавий ландшафти харитасини яратиб, чучук сув ва иқлим шароитлари билан боғлиқ жиҳатларни ўрганди.

Демак, қўрғоқчилик даврида ҳам ерости (сизот) сувлари сақланган ва шу омил туфайли қадимий одамлар жон сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Гоминидлар ер юзасидан буткул йўқ бўлиб кетган хавзалардан ҳам намлик топиш йўлини билган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ерости манбалари ибтидоий одамларнинг мўайян гуруҳларга ажралаши географик яққаланиш натижаси эканини тасдиқлади. Бу, ўз навбатида, гоминидларнинг янги турлари, жумладан, Homo sapiens яралишига ҳам таъсир ўтказган бўлиши мумкин.

Дилбар ИСМАТУЛЛАЕВА, Ҳилола ХУЖАМИЁРОВА тайёрлади.

Институт мақомининг берилиши

олий техник мактаб ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юклади

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий-ири ривожлантириш, халқимизнинг осойишта ва фаровон ҳаёти учун шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолаб, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилиб, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш сиёсатини юритмоқда. Бу борада ёнгин хавфсизлиги хизмати ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самардорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا асосан Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнгин хавфсизлиги институтига ўзгартирилди. Бу давлатимиз томонидан республикамиз

худудидаги иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва барқарорлаштириш борасида самарали услублардан кенг қўламда фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мазкур фармоннинг қабул қилиниши олий таълим муассасамиз профессор-ўқитувчиларига мамнуният бағишлаш билан бирга, ёш авлодни ёнгин хавфсизлиги бўйича олий маълумотли, етук мутахассислар этиб тайёрлашда улкан масъулият юклайди. Зеро, ёнгин хавфсизлиги бўйича мутахассисларни тайёрлашда илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқариш соҳаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизим ва воситаларини яратиш ҳамда қўллашга йўналтирилган, ёнгинларнинг олдини олиш, хабар бериш ва ўчириш, атроф-муҳитга техноген таъсирларни минималлаштириш, замонавий техник

воситалар, назорат усуллари ва олдиндан баҳолаш ҳисобига инсон ҳаёти ва соғлигини сақлаш каби касбий мажбуриятларни, ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий принциплари, хавфли ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар, ёнгинни баҳолаш ва уни қамайтириш усуллари, одам ва табиий муҳитни хавфлардан ҳимоя қилиш воситалари, фавқулодда вазиятларда аҳоли ва моддий бойликларни қутқариш услубларини ўргатиш институти профессор-ўқитувчиларининг муҳим вазифасидир. Олий таълим муассасасининг асосий вазифаси битирувчиларга чуқур билим бериш билан бирга, ижодий тафаккурини ривожлантириш, ёнгин хавфсизлиги муҳандиси учун зарур билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган, жисмонан бақувват, юқори касбий тайёргарликка эга, мард, жасур, билдирилган ишончли оқлаб, эл-юрт олқиши ва хурматига сазовор бўладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Равшан ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Ёнгин хавфсизлиги
институти кафедра
бошлиғи

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни тадбирлари эрта тонгдан касб-хунар коллежларида давоматни текширишдан бошланади. Сўнг маҳалла ва қишлоқларда аҳоли билан профилактик суҳбатлар ташкил этилиб, ички ишлар органлари ходимлари ва фуқароларнинг очиқ мулоқоти ташкил этилади.

Назоратсизлик кулфат келтирар

Хусусан, Бахмал тумани педагогика коллежида ҳам «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида учрашув ўтказилди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси, Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари иштирок этиб, касб-хунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан суҳбат ўтказди.

Ёшлар ҳуқуқбузарлик содир этишининг асосий сабаби — бекорчилик. Усмирларнинг бекор ва ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, маҳалла ва ота-оналарнинг назоратсиз қолдирилиши ҳар хил кўнгилсиз воқеаларга замин яратиши мумкин.

Семинарда вилоят худудида содир бўлаётган ёнгинлар статистикасига ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, соҳа вакиллари жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида вилоят худудида 93 та ёнгин қайд этилиб, кўрсаткичлар ёнгинлар соғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 фоизга камайганини, аммо бу хотиржамликка берилишга сабаб бўлолмастлигини, чунки қаерда ва қанчан ёнгин чиқишини билиб бўлмастлигини, бу эса инсонлар ҳаёти ва моддий бойликларга раҳна солишини таъкидлашди.

Шундай экан, доимо огоҳ бўлиб, ўз уйимиз, маҳалламизни ёнгин баласидан ўзимиз асрашимиз зарур. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда электр ускуналари назоратсиз қолдирилмаслик, очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш, болаларни қаровсиз қолдирилмаслик, вақтинчалик электр симларидан фойдаланмаслик каби хавфсизлик чораларига қатъий амал қилиш лозим. Учрашуларда мана шуларга оид слайд ва видеороликлар намойиш этилмоқда.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси,
лейтенант

Gurung

Нозик иборалар

Абулқосим Маҳмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ

Хазина

Хоразмий
(XIV асрнинг биринчи ярни)

Ғазал

Ажаб ой юзласан сарви сарафроз,
Юзинг кўрганда гул овзи бўлур боз.

Қадинг ёди-ла ўпгайман оёгин
Агар ҳар нахлни кўрсам сарафроз.

Қуловингта осилган дурга ўхшар
Қачон кун бирла Зухра бўлса ҳамроз.

Яшил хат ҳалқа зулфинг орасида
Ки гўё чангал этмиш тўтини боз.

Лабингта лаълу ёқут тенг бўлолмас,
Ки ҳар қандай узлукка бўлмас эжоз.

Қўлингдан келганича ноз қилғил,
Ярашгай нозанин ёр айласа ноз.

Каманд отмас сенинг зулфингча ҳинду,
Эмас кўзинг каби турк новакандоз.

Эурсан ҳусн мулкин подшоҳи,
Бу қуллар сорига лутф айла бир оз.

Гулистон бўлмагай булбулсиз асло,
Гўзаллар юзи бўлмас беназарбоз.

Бўлур яхши агар Хоразмий берса
Оёнинг тупроғидин кўзга пардоз.

Айвони атрофида қушлар учиб—
қўнадиған жойи бўлмаған уйга
ёмғир ҳам барака бермайди, унинг
эгаси ҳам эркинлик билмайди, у
жой фақирликка гирифтордир.

Момакалдиروقли ёмғирнинг
ёғиши ростгўй(ҳақгўй) киши-
нинг ваъдасига вафо қилиши
мисоли ёқимлидир.

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб
тавба қилишга шошилгин, чунки
ажал етса, уни кечиктириш ҳеч
кимнинг қўлидан келмас.

Бу дунё ибратли ишлар-у,
панд-насихатларга тўладур,
айни вақтда кўз ёшларига ҳам
сероб.

Тилинган чикқан садақа
(яъни панду насихатинг ва мавъ-
изаю ҳасананг) баъзан кўлинг-

дан (мол-дунёндан) чиққан са-
дақанган кўра хайрлироқдир.

Кўпинча вақтда ишлатилган
ҳийлаю тadbиркорлик кучу қув-
ватдан голиб келур.

Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик
зиён келтиради. Масалан, бир
қўлда олтита бармоқ бўлса бу ор-
тиқлик бўлмай, камчилик(нуқсон)
ҳисобланади.

Қанча одамлару қавмлар
борки, сизга гўё ип каби эши-
либ мулозамат қиладилар, ле-
кин улар пайт пойлаб фасод чи-
қаришга интиладилар, гафлат-
га тушиб шундайларга сира ал-
данмангизлар.


Сени кечаю кундуз зиёрат
қилувчиларнинг кўпчилиги сени
ҳаддан ортиқ кўкларга кўтариб

мақтаб, охир-оқибат адоватга ду-
чор қилувчилардир.

Кўпинча тил билан етказил-
ган жароҳат, қилич билан етқа-
зилган жароҳатдан оғирроқдир.

Муҳаммад пайғамбар алайҳис-
саломнинг тутган йўллари менинг
йўлимдир, бахту саодатим ҳам, на-
жотим ҳам шу йўлдир.

Ўзингга зарур бўлган ҳар
қандай керак нарсани сотиб ол
— бу эркак кишининг мурув-
ватини, қудратини, эрлигини
кўрсатади. Чунки ўша нарса-
ни бировдан сўрасанг, у сен
сўрагани эмас, бошқачароғи-
ни беради (инсоннинг табиати
шундай), сотиб олганингга эса
ўзингга керагини танлаб ола-
сан.



Фаррош

Кейинги пайтлари анча ҳолсизланиб, ўзимни лоҳас сезадиган бўлдим. Ўрнидан тургим келмайди. Нуқул деразага қарайман. Майдалаб ёғайтган қор зарралари деразамга келиб урилади-да, сўнгра раҳмдил одамнинг кўнглидай эриб кетади. Мен эса руҳимни чирмаб ётган тумандан қутулгим келади, аммо кучим етмайди. Гоҳида Мавлоно Румийнинг жон дарёсидан губорни супур, деган ҳайқириги кўнглим деворига урилади. Қани эди, куч топа олсаму бутун руҳимни, жонимни янги нафасга тўлдирсам дейман. Кошки эди, кошки эди...

Ногаҳон қулоғимга супургининг "хиш-хиш"и эшитилади. Ҳа, бу сайроқи қушларнинг овозидай сўлиб, исмсиз бахтнинг қадам товушларидай руҳбахш... Сакраб туриб, деразадан қарайман: бу ўша — фасллар кўчасини тозалагучи аёл. Уни таниганимдан буён уст-боши бир хил. Ҳеч ўзгармайди. Қувноқлиги, ғайрати ҳам ўша-ўша. Назаримда, у бу дунёнинг аёлига ўхшайди. Ҳар тонгда, ҳамма фаслда кўча супуради. Унинг қўлида супурги рақс тушаётгандек бўлади. Гўё у ер юзини тозалаш учун дунёга келгандай. Баъзида димоғида тирикликни хиргойи қилади. Йўлдан ўтаётган ёшу қари билан худди қариндошдай саломлашиб, ҳол сўрайди ва яна супуради, супуради, супураверади...

Ҳозир ҳам янги келинлардай шавқ билан, ишқ билан кўча супуряпти. Юрагимнинг ичидаги сўлгин хисларга жон қиради унга қараб: тангача-тангача қорлар меҳр билан бошидан айланиб тавоф қилади гўё.

Дераза палласини очиб:

— Ҳорманг, опа, — дейман уни кўрганимдан хурсандлигимни билдириш учун. У қўлидаги узун супургининг дастасига иягини тираб, мен томонга ўгирилади:

— Бор бўлинг, қоқиндик, соғомонмисиз? — дейди жуда қувноқ овозда.

Фаррош аёл етмиш ёшларни қоралаган бўлса-да, овози ҳеч қаримаган. Ҳаётдан умиди кўп одамнинг овози кўнгиноқдай жангил туради деб эшитганман. — Қишда ҳам дам олмас экансиз-да.

— Чолимнинг мазаси йўқ, қоқиндик, кўча-кўйни супуриб тозаласам, дуоסי чолимга тегадими дейман-да.

Унинг кўзларида қандайдир хавотирнинг соясини кўргандек бўламан.

— Худо шифо берсин, — дейман аёлнинг кўзларидаги ўша сояни ҳайдашга уриниб.

У бошини меҳр билан сил-

китиб қўяди-да, яна супуришга киришади. Шу топда унинг қўллари куёшининг нурли қўлларига ўхшаб кетади. Мен эса совуқдан жунжиксам-да, деразамни ёпмайман. Яна неча ойлардан буён қулфлоглик турган кўнглимнинг дарчасини очаман. Нимагадир кўнглим кўзларига қарашга ўзимда куч топа олмайман. "Мен кеча кўнглимни ўлдириб қўйдим" деган шеъримдан, мавҳум икромимдан уяламан. Ташқаридан кўча руҳини тозалаётган супургининг "хиш-хиш"и мен ҳали эшитмаган, лекин ташналигим аён мумтоз куй янглиг авжланади.

Бу куйдан нурланаман ва ўлик хислардан худди янги уйга кўчгандек мавҳли хисларга кўчаман. Эски Ҳалимани уйдан ҳайдаб янги Ҳалимага тўла бошлайман. Энди янги уйим, янги бошпанамда тонглар қалбини, қуёш руҳини меҳмон қиламан.

— Сен ҳам руҳингдаги губорларни супуриб, тоза туйғуларинг билан кўнглимга кел, эй дўст, — дейман шакарга тўлган шакарқамишдек эгилиб.

Ташқаридан ҳамон супургининг мумтоз куй янглиг "хиш-хиш"и эшитилиб туради. Самодан эса тангача-тангача дуолар ёғилади.

Ҳалима АҲМЕДОВА

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Чет эл
хангалари

Бир ёзувчининг хотини меҳмондорчиликка ўзининг янги тиктирган қўйлагини кийиб борди. Қўйлақ шунчалик бежирим тикилган, аёлнинг қоматига ёпишиб тушган эдики, барча эркакларнинг қўзи ундан узилмай қолди. Уй эгаси пайт топиб ёзувчига деди:

— Хотинингиз жуда қўхликкина экан, қўйлагининг ўзи ажойиб бир қўшиқ.

— Сиз адашяпсиз, дўстим, — деди ёзувчи, — унинг қўйлаги бир қўшиқ эмас, тўрт зикоя ва учта эсседир.

Тўйдан уч ҳафта ўтгандан кейин ёш келин қайлиғига зорлана бошлади:

— Сен мени аввалгидан кам севадиган бўлиб қолдинг. Авваллари ўзинг тонг-азонда туриб, ўтин ёриб, печкага олов қалардинг. Ҳаттоки, нонуштани ҳам ўзинг тайёрлардинг. Энди бўлса, барча юмуш менинг бўйимда.

— Вой тентақинам-эй, — деди ёш қув, — ўзинг ўйлаб кўр, мен ўтин ёриб, олов ёқиш ва нонушта тайёрлаш билан банд бўлсам, сени севишга вақтим қолмайди-ку. Агар бу ишларни сен қилсанг, мен сени аввалгидан ҳам кўпроқ севаман.

Эр уйга келиб хотинига деди:

— Мана, иккита лотерей билети олиб келдим. — Нима бало, эшпапти еб қўйганмисан? — қичқирди хотини. — Нега иккита сотиб олдинг. Ахир, газетда ёзишларича, битта асосий ютуқ бор-ку.

— Ҳўш, кеча ота-онангда қандай таассурот қолдирибман? — сўради йилит бўлажак рафинисидан.

— Билмадим, — деди қиз тортиниби, — ҳали дадам ҳеч нарса деталари йўқ. Ойим эса дадамнинг гаплари нотўғрилигини исботлаш учун биринчи бўлиб гапиринларини кутяптилар.

— Ярим кечаси кўчада нима қилиб ўтирибсан, Минна?

— Мен оймўмани томоша қиляйман, ойижон. — Ўпа оймўмангга айт, теъда велосипедига миниб, жунаб қолсин бу ердан.

2017-yil 10-iyun, № 46 (9007)

Қишлоқда ёз соз ўтмоқда

7-мактаб Бахмал туманидаги Шербулоқ Уяс қишлоғида жойлашган. Замонавий қиёфа касб этган мазкур таълим масканида 532 нафар ўқувчи таълим олади. Мактабнинг 12х24 метр ҳажмдаги спорт зали ёз фасли — ўқувчиларнинг таътил даврида ҳам спортсевар ёшлар билан гавжум экани қувонарлидир.

Бу ерда ўқувчилар ўзлари қизиққан спорт тўғрисида келиб, машғулотларда қатнашади, бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишади. Айни пайтда мактабда 7 та тўғрак мунтазам ишлаб турибди. Улар орасида волейбол тўғраги ўқувчиларга айниқса манзур. Бунга ўйил ва қизлар жамоалари туман мусобақаларида кетма-кет голиб бўлаётгани ҳам сабабдир. Улар вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритади.

Бундай муваффақиятларда тўғрак раҳбари, тажрибали мураббий Қодиркул Сангировнинг хизмати катта. Тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси бир неча йилдан буюн бошланғич синфларга дарс бериб келади. Маълумки, бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари, тўғраклар асосан болаларнинг ёши ва қизиқишига қараб ўтилади.

Тўғрак машғулотларида амалий спорт ўйинлари ва халқ ўйинлари кичикинтойларнинг жону дили. Халқимиз орасида оммалашган «Оқ теракми, кўк терак?», «Оқтош», «Тортишмачоқ», «Қирқтош» каби ўйинлар ёз фаслининг безаги, ёзги таътилнинг энг эсда қоларли қизиқарли ўйинларидир.

— Ўқувчиларнинг жисмонан ва ақлан ривожланиши, миллий истиқлол голярига садоқат руҳида улғайишида ота-болаларимиздан мерос халқ ўйинларининг ўрни беқисс, — дейди Қ.Сангиров. — Бу машғулотларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Қолаверса, болаларнинг кўтаринки кайфиятида юришини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тўғракларда кўпроқ ўзимизнинг миллий спорт турларига, ҳаракатли ўйинларга муурожаат этаман.

Қодиркул фақат бошланғич синф ўқувчиларига дарс бе-

риш билан чекланиб қолмай, юқори синф ўқувчиларидан иборат волейбол тўғрагини ҳам юритади. Унинг шогирдлари туман ва вилоят миқёсида аллақачон ўз ўрнини топган. Мусобақаларда ҳар қандай жамоа унинг шогирдлари билан ҳисоблашишга мажбур. Бу кўпроқ «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида кўзга ташланади.

Ўқувчиларнинг тўғракларга қамрови 55–60 фоизи ташкил этмоқда. Тўғракни муваффақиятли юритишда унга жисмоний тарбия ўқитувчиси Мирзабек Назаров ҳам кўмаклашади. Шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси томонидан спорт жихозларининг вақтида етказиб берилиши машғулотлар мазмуни ортишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, мактабнинг стадиони ҳам ҳар кунни ўқувчилар билан гавжум. Ёзги оромгоҳга жалб этилмаган болалар бу ерда кечки салқин тушиши билан тўп тепиб, ҳам ҳордиқ чиқаради, ҳам вақтини мароқли ўтказишади.

Абдусаттор СОДИКОВ

Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқитувчиси Муниса Абдуллаева ўзбек жанг санъати бўйича тўғрак очилганини эшитиб, фарзандлари Ислонбек ҳамда Мунавварани машғулотларга олиб борди. Ахир болалари ўзи ишлайдиган муассасада спорт билан шуғулланса, хавотир олмайди, бунинг устига фарзандлари чиниқади, иродаси тобланади.

Бир оилада — икки спортчи

Айни кунда муаллимнинг фарзандлари мураббий Жасур Бобоназаров ташаббуси билан ташкил этилган спорт секциясида ўзбек жанг санъати бўйича шуғулланмоқда.

— Фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имконият яратилган, — дейди М.Абдуллаева. — Спорт билан шуғулланган болаларнинг бекорчи ишларга вақти бўлмайди, ҳам жисмонан, ҳам ақлан ривожланади. Мураккаб вазиятлардан иродаси ва ўзига бўлган ишончи эвазига чиқиб кетишга ўрганади. Ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиб, уларга эришиш учун курашади, келажака бўлган интилиши ортади.

Очиги, Ислонбек бироз эринчок, Мунаввара эса жисмонан нимжон эди. Машғулотларга қатнаша бошлашга, уларнинг феъл-атворларида ҳам, қад-қоматида ҳам аста-секин ижобий ўзгариш сезилди. Ислонбек дарсларини ўз вақтида бажариб, рўзгор ишларига ҳам улғурадиган бўлди, отасининг дастурига айланади. Мунавваранинг дидиллиги, чаққонлиги онасининг қувончига қувонч қўшади.

Спорт залида галдаги машғулотда қатнашаётган болалар қатори бу опа-уканинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, завқландик.

Дарвоқе, Ислонбек Эргашев Қарши шаҳридаги 44-умумтаълим мактабининг 2-синфда ўқийди. У ўзбек жанг санъати билан 8 ойдан бери шуғулланади. Қисқа вақт ичида кўпбал совринларга эришгани унинг келажаги ёруғ эканини аниглади. Хусусан, Ислонбек ва Мунаввара жорий йилнинг 12 март кунини ўзбек жанг санъати бўйича «Биз соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз» шиори остида 7—17 ёшгача бўлган қизлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда совриндор бўлди. Ислонбек «Камолот» кубоги» вилоят босқичида 2-ўринни эгаллаган бўлса, Тошкентда ўтган «Тумарис кубоги» республика мусобақасида 1-ўринни қўлга киритди.

Албатта, булар истиқболдаги улкан ютуқларнинг бошланиши. Бунинг учун янада кунт билан спорт сирларини ўрганиш, ўз устида сабр билан ишлаш лозим. Шунда ҳар қандай марра забт этилади.

Хулқар РАЖАБОВА

Жабарингиз борми?

Шахмат бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг олий лига мусобақалари голиблари аниқланди. Эркарак ўртасида ФИДЕ устаси Алишер Бегмуродов 11 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

7 очкодан жамғарган Шамсиддин Воҳидов ва Акмал Файзуллаев қўшимча кўрсаткичлари эвазига кучли учликдан жой олди.

9 тур давом этган хотин-қизлар ўртасидаги бахсларда Нодира Нодиржоновага тенг келадигани бўлмади. У Гулҳаё Назиркулова, Сарвиноз Қурбонбоева, Нилуфар Ёқуббоева, Нодирабегим Парпиева, Юлдуз Ҳамроқулова ва Гулруҳбегим Тохиржонова сингари тажрибали рақибларини енгди. Ирина Геворган билан дуранг ўйнаб, жами 6,5 очко жамғарди ва мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

Гулруҳбегим Тохиржонова ва Баҳора Абдусатторова кумуш ва бронза медалга лойиқ кўрилади.

Рим шаҳри (Италия)да сузиш бўйича ўтказилган аънаваный халқаро турнирда спортчимиз, яқинда Жиззах вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод—2017» спорт ўйинлари голиби Артём Козлюк 200 метрга баттерфлей усулда сузишда 2 дақиқаю 01,07 сония натижа қайд этиб, галаба қозонди. Бундан ташқари, у халқаро турнир рекордини янгилади. Артём 50 метрга баттерфлей усулида сузиш борасида ҳам маррани биринчи бўлиб забт этди. У 24,45 сонияда маррага етиб келди ва халқаро турнирдаги иккинчи олтин медалга сазовор бўлди. 100 метрга баттерфлей усулида сузишда эса кумуш медал билан чекланди.

«Баркамол авлод—2017» спорт ўйинларида бир неча йўналишда голиб бўлган Алексей Тарасенко ҳам мазкур турнирда қатнашди ва 50, 100 ва 200 метрга эркин усулда сузиш бахсларида учта кумуш медал соҳиби бўлди.

Бундан ташқари, Хуршидjon Турсунов 100 ва 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича 2 та олтин медални қўлга киритди ва ҳар икки йўналишда шу турнир рекордини янгилади.

Айтиш керакки, бу халқаро турнир сузувчиларимизнинг шу йилнинг 14—23 июль кунлари Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади. Жаҳон чемпионатида Х.Турсунов, А.Тарасенко, А.Козлюк ва Д.Букин қатнашади.



ФИНАЛДА ЯНГИ НОМ

Францияда теннис бўйича давом этаётган «Ролан Гаррос» турнири финали иштирокчилари маълум бўлди, дея хабар берди «Лента» нашри.

Нуфузли мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги ҳал қилувчи матчида руминиялик теннисчи Симона Халеп латвиялик Елена Остапенкога қарши кўртга чиқади. Симона ярим финал учрашувида чехиялик Каролина Плишковани мағлубиятга учратди. 2 соат давом этган матчида 6:4, 3:6, 6:3 ҳисоби қайд этилди. Елена эса швейцариялик Тими Бачинскини (7:6, 3:6, 6:3) енганди.

Ютуқ жағфармаси 36 миллион еврога тенг мусобақа финали бугун ўтказилади.

ЕВРОПА ВА АМЕРИКА БАҲСИ

Жанубий Кореяда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи баҳсида Англия ва Венесуэла терма жамоалари ўзаро куч синашди, дея маълумот берди ФИФА расмий сайти.

Англиялик ёшлар ярим финалда италиялик тенгдошларини 3:1 ҳисобида енгган бўлса, венесуэлаликлар дуранг (1:1)дан сўнг пенальтилар сериясида уругвайликлардан устун (4:3) келди.

3-ўрин учун баҳс (Италия — Уругвай) ҳамда финал (Англия — Венесуэла) ўйини эртага бўлиб ўтади.



ҲИМОЯ ЖАНГИ БЎЛМАЙДИ

Халқаро боксчилар федерацияси (IBF) ва Жаҳон боксчилари ассоциацияси (WBA) таснифи бўйича жаҳон чемпионлиги камари соҳиби, британиялик Энтони Жосуа IBF совринини ҳимоя қилишга мажбур эмас.

«Sky Sports News» телеканалда шу ҳақда маълумот берилди. Энтони мажбурий ҳимоя жанги ўтказишдан озод этилди. У шу йилнинг 2 декабрида болгариялик Кубрат Пулевга қарши рингга чиқиб лозим эди.

IBF раҳбарияти украиналик Владимир Кличконинг Энтонига қарши реванш кечасини ташкиллаштириш учун мазкур мажбурий ҳимоя жангини бекор қилди.

13,13 СОНЯЛИК МАСОФА

Рим шаҳрида «Бриллиант лига» туркумидаги 110 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича жаҳон чемпионати бахслари бўлиб ўтди.

«ТАСС»да ёзилишича, ушбу кимўзарда америкалик атлет Арис Мерритга тенг келадигани топилмади. У маррага 13,13 сонияда етиб келиб, олтин медалга сазовор бўлди. Кумуш медал эса испаниялик Орландо Ортега (13,17)га насиб қилди. Кучли учликни россиялик, лекин бетараф байроқ остида майдонга чиққан Сергей Шубенков (13,21) тўлдирди.

«Бриллиант лига»нинг навбатдаги мусобақалари Стокгольм (18 июнь) ва Париж (1 июль) шаҳарларида бўлиб ўтади.

«Бриллиант лига»нинг навбатдаги мусобақалари Стокгольм (18 июнь) ва Париж (1 июль) шаҳарларида бўлиб ўтади.

ШАХМАТ БЎЙИЧА СУПЕРТУРНИР

Норвегиянинг Ставангер шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича супертурнирда дунёнинг энг таниқли шахматчилари иштирок этапти, дея хабар берди «ТАСС».

Ҳиндистонлик В.Ананд 2-турдан ўрин олган матчида россиялик гроссмейстер В.Крамникка енгилди. Қолган учрашувларда С.Карьякин (Россия) ва А.Гирри (Голландия), Х.Накамура (АҚШ) ва Л.Аронян (Армания), У.Со (АҚШ) ва М.Ваше-Лаграв (Франция), Ф.Каруана (АҚШ) ва М.Карлсен (Норвегия) дурангга имзо чекди.

16 июнь кунини якунланган турнирнинг ютуқ жағфармаси 249 минг еврога тенг. Голиб 70 минг евро, 2-ўрин соҳиби 40 минг евро ва 3-ўрин эгаси 25 минг евро олади.

Дурдонахон АШРАПОВА тайёради.

Ёш иқтидорлар фестивали



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мусобақанинг очилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда барча спорт турлари қатори шахматни ҳам янада ривожлантиришга, айниқса, ёш авлод

ўртасида кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бу борада амалга оширилаётган иш-хотлар юксак самара бераётганини таъкидлади.

Шунингдек, ёз мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш ва ўғил-қизларимизни соғломлаштириш, чиниктириш тadbирларида шахмат мусобақаларига ўрин ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки навқирон авлод вакилларининг ҳам маънан, ҳам jismonan kamol topishi davlat siyosatining eng ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi.

— Мазкур фестивал Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан илк бор ўтказилмоқда, — деди вазирлик матбуот хизмати раҳбари Б.Шайвалиев. — Асосий мақсад мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини юксак интеллектуал салоҳиятга эга қиз-қизини оширишдан иборат.

Фестивалда Тошкент шаҳридаги МТМлардан саралаб олинган жами



110 нафар, жумладан, ҳар бир тумандан 10 нафардан (5 нафар ўғил ва 5 нафар қиз бола) тарбияланувчи қатнашди. Улар бир-бири билан дўстона баҳс юритди.

— Бугунги фестивалда ўғлим, Яшнот туманидаги 147-МТМ тарбияланувчиси Улуғбек Шодиев ҳам қатнашди, — дейди Лобар Тангриева. — Фарзандимиз шахмат тўғрарига қатнаша бошлаганидан бери анча улғайди. У мазкур мактаб очилганидан бунён тўғрарига мунтазам қатнашади. Бундай фестиваллар доимий ўтказилса, ўғил-қизларимизнинг маҳорати охиб бораверади.

Фестивалда «Баркамол авлод» республика болалар бадий ижодиёт марказининг ёш доирачилари, рақс гуруҳларининг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди. Яқунда фестивалда иштирок этган ўғил-қизларга диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Раҳимжон Ризамуҳаммедов — тарихий суратлар устаси. Маҳоратли мусаавирнинг бу йўналишида яратган ижод намуналари Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Темирийлар тарихи давлат музейининг нодир экспонатлари қаторидан жой олган. Унинг Тошкент фотосуратлар уйида намойиш этилаётган «Тарихингдир минг асрлар...» кўргазмасидан ўрин олган ранг-баранг картиналари ҳам ўз ғоя ва мазмуни, батақдор жилоси билан томошабинларда чуқур таассурот қолдирмоқда.



Минг асрлар маҳлиёси

— Раҳимжон Ризамуҳаммедов ўзига хос ижод услубига эга, — дейди Ўзбекистон халқ рссоми Рустам Худойберганаов. — Унинг мавзу танлаши, ранглардан ўринли ва унумли фойдаланиши, картинанинг энг майда деталларига эътибор қаратиши санъат сехрини ҳис этадиган ҳар қандай томошабин қалбига илиқлик бағишлайди. Педагог сифатида кўп йиллардан бунён ёш истеъодларнинг билим-тажрибасини, маҳоратини ошириш

йўлидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Мусаавирнинг Беруний, Ибн Сино, Алишёр Навоий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий каби буюк тарихий шахслар портретларида инсон, унинг табиғатига хос хусусиятлар, миллий-маънавий қадриятлар ўз аксини топган. «Қишлоқ манзараси», «Ковулни натюрморт» асарлари ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга.

Азиза АҲМАДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ma'rifat


ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-615. Tiraj 51647.
Hajmi 4 bosma toboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshtirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'ZA yakuni — 00.50 Topshirildi — 01.00

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbachi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbachi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.